БУТУН ДУН'Е ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТ(большевик)ЛАР ПАРТИЯСИ
МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАРКОМИТЕТЛАРИ
ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 192 (6619)
25 СЕНТЯБРЬ 1946 йил
ЧОРШАНБА
БАҲОСИ 20 ТИЙИН

БУГУНГИ СОНДА:

«САНДЕЙ ТАЙМС» ГАЗЕТАСИ МОСКВА МУХБИРИ АЛЕКСАНДР ВЕРТ ЖАНОБЛАРИНИНГ 1946 ЙИЛ 17 СЕНТЯБРЬДА ЎРТОҚ СТАЛИН НОМИГА ЁЗГАН ХАТИДА БЕРГАН САВОЛЛАРИГА ЎРТОҚ И. В. СТАЛИННИНГ ЖАВОБЛАРИ (1-бет).

Колхозчилар партия ва ҳукумат ғамхўрлигига меҳнатда янги муваффақиятларга эришиш блан жавоб берадилар. (1-нчи бет).

В. И. Ленин Асарлари IV нашрининг 4-нчи томи (1-нчи бет).

И. В. Сталин Асарларининг иккинчи томи обуначиларга топширилмоқда (1-нчи бет).

ПАРТИЯ ТУРМУШИ. — Ворошилов номли завод партия ташкилотининг конференцияси. **М. Элмуродов.** — Мирзачўлда пропаганда ишларига э'тибор қилинмаётир (2-нчи бет).

Терилган пахта қабул пунктларига пешма-пеш топширилсин (2-нчи бет).

Париж Сулҳ Конференциясида. — (3 ва 4-нчи бетлар).

Америкада умум славян конгрессининг учинчи қурултойи (4-нчи бет).

Крайова Рада Народованинг XI сессиясида Польшани иқтисодий жиҳатдан тиклаш плани тўғрисида Минц доклади (4-нчи бет).

„Сандей таймс“ газетаси Москва мўхбири Александр Верт жанобларининг 1946 йил 17 сентябрьда ўртоқ Сталин номига ёзган хатида берган саволларига

ўртоқ И. В. СТАЛИННинг жавоблари

САВОЛ. Ҳозирги вактда бутун дун'ёда «янги уруш» хавфи бор, деб мас'улиятсизлик блан айтилаётган гаплар кўп эшитилмокда. Сиз ҳакикатан ҳам «янги уруш» хавфи борлигига ишонасизми? Агар шундай хавф бор экан, урушнинг олдини олиш учун кандай чоралар кўрилиши керак?

ЖАВОБ. Мен хакикатан хам «янги уруш» хавфи борлигига ишонмайман.

Ҳозирги вактда асосан, ҳарбий-сиёсий разведкачилар ва уларнинг граждан амалдорлар орасидан чиккан камдан-кам тарафдорлари «янги уруш» тўғрисида шовкин-сурон кўтармокдалар. Бундай шовкин-сурон кўтариш уларга акалли: а) ўз мухолифлари орасидан чиккан соддагўй ба'зи сиёсатчиларни уруш шарпаси блан кўркитиш ва шундай йўл блан мухолифларни кўпрок ён бердиришга мажбур килиш учун ўз ҳукуматларига ёрдам кўрсатиш; б) ўз мамлакатларида ҳарбий бюджетларнинг камайтирилишини бирканча вактгача кийинлаштириш; в) аскарларни ҳарбий хизматдан бўшатишга халакит бериш ва шу йўл блан ўз мамлакатларида ишсизларнинг тезликда кўпайиб кетишига йўл кўймаслик учун керак.

Ҳозирги вактда «янги уруш» тўғрисида кўтарилаётган шовкин-суронлар блан хакикий «янги уруш» хавфини бир-биридан кат'ий ажрата билиш керак. Ҳозирги вактда хакикатан «янги уруш» хавфи йўқ.

САВОЛ. Буюк Британия ва Америка Қўшма Штатлари Совет Иттифокини қасддан «капиталистик куршов»да колдиришга харакат килмоқдалар, деб ўйлайсизми?

ЖАВОБ. Буюк Британия ва Америка Қўшма Штатларидаги хукмрон доиралар башарти хоҳлаганларида хам «Совет Иттифоки учун» «капиталистик куршов» вужудга келтираоладилар», деб ўйламайман. Аммо, мен уларда шундай истак бор, деб да'во килолмайман.

САВОЛ. Уоллес жанобларининг сўнгги нуткидаги сўзлари блан айтганда, Англия, Ғарбий Европа ва Қўшма Штатлар Совет хукуматининг Германиядаги сиёсати русларнинг Ғарбий Европага карши каратилган харакатлари учун бир курол бўлмаслигига ишонаоладиларми?

ЖАВОБ. Совет Иттифокининг Германиядан Ғарбий Европага ва Америка Қўшма Штатларига карши фойдаланиши асло мумкин эмас, деб ҳисоблайман. Совет Иттифоки герман агрессиясига карши ўзаро кўмаклашиш тўғрисида Буюк Британия ва Франция блан шартнома тузганлиги ва уч буюк давлат Потсдам конференциясининг карорларига мувофиқ Америка Қўшма Штатлари блан боғланганлиги учунгина эмас, балки Германиядан Ғарбий Европага ва Америка Қўшма Штатларига карши фойдаланиш сиёсати Совет Иттифокининг асл миллий манфаатларидан четга чикишини кўрсатажаги учун хам Германиядан Ғарбий Европага ва Америка Қўшма Штатларига карши фойдаланиш асло мумкин эмас, деб ҳисоблайман.

Киска килиб айтганда, Германия масаласида Совет Иттифокининг тутган сиёсати Германиянинг ҳарбий кучларини битириш ва уни демократлаштиришдан иборат. Фикримча, Германиянинг ҳарбий кучларини битириш ва уни демократлаштириш — узоқ давом этадиган мустахкам тинчликни ўрнатишнинг энг муҳим шартларидан биридир.

САВОЛ. Ғарбий Европадаги коммунистик партиялар ўз сиёсатларида «Москвадан йўл-йўриқ олиб турадилар», деб қўйилган айблар тўғрисида Сизнинг фикрингиз кандай?

ЖАВОБ. Мен бундай айбни шармандаси чиккан Гитлер-Геббельснинг уйдирмаларини такрорлашдан иборат бема'ни гап, деб ҳисоблайман.

САВОЛ. Мафкуравий ихтилофлар бўлимига карамай, Совет Иттифоки блан ғарб демократияси ўртасида узок давом этадиган дўстона ҳамкорлик бўлиши мумкинлигига ва Уоллес ўз нуткида айтганидек, хар икки система ўртасида «дўстона мусобақа» бўлишига ишонасизми?

ЖАВОБ. Мутлако ишонаман.

САВОЛ. Лейбористлар партиясининг делегацияси бу ерга келган вактида Сиз, менинг англашимча, Совет Иттифоки блан Буюк Британия ўртасида дўстона муносабатлар бўлиши мумкинлигига ишонч билдирган эдингиз. Англиянинг кенг халқ оммаси, астойдил истаётган шундай муносабатлар ўрнатилишига кандай чоралар ёрдам берган бўлур эди?

ЖАВОБ. Мен Совет Иттифоки блан Буюк Британия ўртасида дўстона муносабатлар бўлишига ҳакикатан ҳам ишонаман. Бу мамлакатлар ўртасида сиёсий, савдо ва маданий алокаларнинг кучайиши мана шундай муносабатларнинг ўрнатилишига анча ёрдам берган бўлур эди.

САВОЛ. Сиз Американинг Хитойдаги ҳамма кўшинларини тезликда олиб чикиб кетиш келгусидаги тинчлик учун энг зарур шарт, деб ҳисоблайсизми?

ЖАВОБ. Ҳа, шундай, деб ҳисоблайман.

САВОЛ. Америка Қўшма Штатларининг атом бомбасини тамомила ўз ихтиёрида тутиши тинчликка таҳдид киладиган асосий хавфларнинг бири, деб ҳисоблайсизми?

ЖАВОБ. Ба'зи сиёсий арбоблар ўйлаганидек атом бомбасини жиддий бир куч, деб ҳисобламайман. Атом бомбалари асаби заиф бўлган кишиларни чўчитиш учун мўлжалланган, аммо улар урушнинг такдирини хал этолмайдилар, чунки, бунинг учун атом бомбаларининг ўзи мутлако кифоя эмас. Атом бомбасини ўз ихтиёрига олиб, уни сир тутиш албатта, хавф туғдиради, аммо бунга карши акалли икки восита бор: а) атом бомбасига тамомила эгалик қилиш узоқ давом этолмайди; б) атом бомбасидан фойдаланиш тақиқланади.

САВОЛ. Совет Иттифоқининг коммунизм сари боришида ташки дун'ё блан тинч ҳамкорлик килиш имконияти камаймайди, деб ўйлайсизми? Мен Совет Иттифокининг бундай ҳамкорлик килиш имконияти ҳакида сўраётирман. «Бир мамлакатда коммунизм куриш» мумкинми?

ЖАВОБ. Тинч ҳамкорлик килиш имконияти камайишгина эмас, балки, ҳатто ортиши мумкинлигига шубҳа килмайман.

«Бир мамлакатда коммунизм» куриш тамомила мумкин, хусусан Совет Иттифокидек мамлакатда коммунизм куриш мумкин.

Область, ўлка ва республика партия мактаблари

Район ва қишлоқлар учун раҳбар партия ҳамда совет ходимлари тайёрлаш мақсадида, ВКП(б) область, ўлка комитетлари ва иттифоқчи республикалардаги коммунистлар партиялари Марказий Комитетлари ҳузурида область, ўлка ва республика партия мактаблари ташкил қилинди. Бу партия мактабларида ўқув муддати икки йил бўлиб, иккита факультет — партия ва совет факультетлари бор. Партия факультетида ташкилотчи партия ходимлари, пропаганда ходимлари, раҳбар комсомол ходимлари бўлимлари бор.

Область, ўлка ва республика партия мактаблари Москва, Ленинград, Киев, Минск, Боку, Тбилиси, Ереван, Ашхобод, Тошкент, Сталинобод, Олмаота, Фрунзе, Петрозаводск, Кишинев, Вильнюс, Рига, Таллин, Горький, Саратов, Ростов, Воронеж, Қозон, Свердловск, Молотов, Иркутск, Томск, Одесса, Днепропетровск, Львов, Харьков, Сталино, Челябинск, Иваново, Калинин, Ярославль, Куйбишев, Краснодар, Чкалов, Архангельск, Ульяновск, Уфа, Пенза, Курск, Ижевск, Кемерово, Новосибирск, Барнаул, Красноярск, Владивосток ва Хабаровск шаҳарларида ташкил қилинди.

Партия мактабларида қуйидаги дарслар ўқитилади: ВКП(б) тарихи, СССР тарихи, умумий тарих, сиёсий иқтисод, диалектик ва тарихий материализм, логика (мантиқ), СССРнинг халқаро муносабатлари ва ташқи сиёсати, СССР ҳамда чет давлатларнинг иқтисодий ва сиёсий географияси, рус тили ва адабиёти, совет экономикасининг асослари ва халқ хўжалигининг турли тармоқларига раҳбарлик қилиш тажрибаси, партия қурилиши (партия факультетида), давлат ҳуқуқи ва совет ҳукумати (совет факультетида), журналистика (газета ходимлари бўлимида).

Мактабларда ўқув муддати икки йил. Ўқув тамом бўлгандан кейин ўқувчилар ВКП(б) тарихи, сиёсий-иқтисод, совет экономикасининг асосларидан ва ўз ихтисосига доир махсус фандан давлат имтиҳони берадилар.

Давлат имтиҳони берган кишиларга мактабни тамом қилганликлари тўғрисида диплом берилади.

Республика, ўлка ва область партия мактабларида марксизм-ленинизм асослари, тарих, иқтисодий фанлар, рус тили ва адабиёти кафедралари тузилди.

Область, ўлка ва республика партия мактабларига ўқувчи қилиб ўрта ма'лумоти бўлган ва партия ҳамда жамоат ишида ўзини танитган 40 ёшгача бўлган ВКП(б) а'золари қабул қилинади.

Партия мактабларида ўқувчилар ВКП(б) район ва шаҳар комитетларининг командировка қоғозлари блан ҳам ўлка ва область комитетлари, иттифоқчи республикалар марказий комитетлари томонидан бевосита танлаш йўли блан ҳам, шунингдек мактабда ўқишни истаб ариза бериш йўли блан ҳам қабул қилинади.

Аризаларни область, ўлка комитетлари ва иттифоқчи республикалар компартиялари Марказий Комитетлари қабул қилади. Аризага кадрларни ҳисобга олиш варақаси, таржимаий ҳол, ма'лумоти тўғрисидаги ҳужжатларнинг копияси, партия ташкилоти берган характеристика ва иккита фотокарточка илова қилиниши керак.

Область, ўлка ва республика партия мактабларига кирувчилар ўрта мактаб программаси ҳажмида СССР Конституцияси, рус тили ва географиядан ҳамда ВКП(б) тарихи қисқа курси юзасидан ВКП(б) тарихидан кириш имтиҳони берадилар.

Имтиҳон берган ва партия мактабига қабул қилинган ўртоқлар стипендия ва ётоқхона блан (оиласиз ёлғиз ўзи) та'мин қилинадилар.

Мактабларда дарслар 1946 йил 1 ноябрьдан бошланади.

Қишлоқ аҳолисига бадиий хизмат кўрсатиш

Куз-қиш фаслида, 1946 йил 1 октябрьдан 1947 йил 1 апрельгача бўлган даврда, Москва театрларининг артистлари, филармония ва Бутун Иттифоқ гастроль бюросининг солистлари қишлоқ жойлари ва район марказларидаги аҳоли учун ташкил қилинадиган концертларда қатнашадилар. СССРдаги ҳамма республика ва область театрлари концерт бригадаларига ўз артистларини ажратиб берадилар. Колхоз-совхоз театрлари қишлоқларга тез-тез чиқиб турадн.

Область сан'ат музейлари район маданият уйлари учун кўчма кўргазмалар тайёрлайдилар, тасвирий сан'атнинг йирик сан'аткорлари тўғрисида оммабоп лекция ва суҳбатлар ташкил қилинади. Қишлоқ аҳолиси блан учрашиш ва бадиий ҳаваскорларга ёрдам кўрсатиш учун районларга артистлар, ёзувчилар, шоирлар, композиторлар, драматург ва рассомлар боради.

СССР Министрлар Совети ҳузуридаги сан'ат ишлари комитети комиссия ташкил қилди. Бу комиссия қишлоқ учун нашр қилинадиган энг яхши музика, драма ва эстрада асарларини қайтадан кўриб чиқади ва танлайди. (ТАСС).

ЛЬВОВДА ЭЛЕКТР ЛАМПА ЗАВОДИ

ЛЬВОВ, 16 сентябрь (ТАСС). Электр лампа заводи қурилиши жадал сур'атлар блан давом эттирилмоқда. Бу қурилиш Сталинча янги бешйиллик планда мўлжалланган. Завод йилига 22 ярим миллион электр лампа ишлабчиқаради.

Завод бошқармаси ва йиғиш цехи учун бинолар қурилиб бўлди. Йиғиш цехи икки қаватли ёруғ бинода жойлашади. Ҳозир бу ерда машина ва дастгоҳлар ўрнатилмоқда. 35 вагон ускуна келтирилди. Яқин кунларда яна 15 вагон ускуна келтирилади.

Колхозчилар партия ва ҳукумат ғамхўрлигига меҳнатда янги муваффақиятларга эришиш блан жавоб берадилар

ЯНАДА ЯХШИРОҚ ИШЛАЙМИЗ

Орджоникидзе районидаги Тельман номли колхозда яқинда колхозчиларнинг умумий йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда СССР Министрлар Совети ва ВКП(б) Марказий Комитетининг «Колхозларда қишлоқ хўжалик артелининг Уставини бузишга барҳам бериш чоралари тўғрисида», деб чиқарган қарори муҳокама қилинди.

Колхоз тузумини янада мустаҳкамлашга қаратилган бу тарихий қарорни колхозчилар зўр иштиёқ блан тингладилар.

Биринчи бўлиб звено бошлиғи ўртоқ Пушанова сўзга чиқади. У колхозда большевикча тартиб ўрнатишга қаратилган бу қарорни қизғин ма'қуллади ва ўз звеносининг ҳар гектар ердан 50 центнердан ошиқ пахта топширишга ва'да берди. У ўз сўзини, ҳалол меҳнат блан тўпланган колхоз мулкини талон-тарож қилиш учун ҳечкимга йўл қўймаймиз, деб тамомлади.

Сўнгра бригада бошлиғи ўртоқ Муҳторхонов сўзга чиқади. У бундай дейди:

— Колхоз правлениясида ноинсоф одамлар узоқ вақт иш кўриб келди. Шунинг натижасида колхоз хўжалигимиз кўп зарар кўрди. Бу кишилар ярим миллиондан кўп мол-мулкни талон-тарож қилди. Илгариги ҳосилот совети раиси Уразбоев колхознинг 28 минг сўм пулини, чорвачилик фермасининг мудири Паршашев 40 минг сўм пулни еб қўйган. Колхознинг хўжалиги изидан чиқиб қолди. Колхозчилар меҳнат кунига деярлик ҳеч нарса ололмадилар, чунки бир тўда жиноятчилар колхознинг даромадини талон-тарож қилдилар.

Ўртоқ Мухторхонов колхоз раҳбарлигига янги кишилар кўтарилгандан кейин колхознинг иши яхшиланаётганлиги ва илғорлар қаторига чиқаётганлиги ҳақида гапиради. Ўртоқ Муҳторхоновнинг бригадаси пахта топшириш планини ҳозирнинг ўзидаёқ 53 процент бажарган. Бизнинг вазифамиз, дейди ўртоқ Муҳторхонов, партия ва ҳукумат қарорининг оғишмай бажарилишига кўз-қулоқ бўлиб туришдир.

Колхоз раиси ўртоқ Пирматов сўз олди.

— СССР Министрлар Совети ва ВКП(б) Марказий Комитетининг қарори ғоят катта аҳамиятга эга. Бу қарор ҳалол ишловчи ҳарбир колхозчининг манфаатларига жавоб беради. Колхоз правленияси ўз ишида қўпол хатоларга йўл қўйиши блан бирга, жиноий унсурларга ҳам ён босиб келган, колхоз хўжалигини мустаҳкамлаш учун етарли чора кўрмаган. Ма'мурий хизматчилар кўпайтириб юборилган. Масалан, иккита хўжалик мудири, экспедитор, хотин-қизлар ўртасида ишлаш бўйича раис ўринбосари, ортиқча табельчилар сақланган. Биз яқинда ма'мурий хизматчилар штатини камайтирдик. Колхоз правленияси ҳар қандай муттаҳамлар еб кетган пулларни ундириб олишга астойдил киришди. Турли кишиларга берилган колхоз ерлари қайтарилмоқда.

— Биз,—деди ўртоқ Пирматов, — анчагина муваффақиятга эришдик. Пахта теримида колхозимиз олдинда бормоқда. Бу йил колхоз бултургидан икки баравар кўп ҳосил олади ва сталинча бешйилликнинг биринчи йили планини анча ошириб бажаради. Партия ва ҳукуматнинг барча колхозчилар якдиллик блан ма'қуллаган қарори сталинча тўртинчи бешйилликни бажариш учун курашда ғайратимизга-ғайрат қўшади, деб ишонамиз. Колхозчилар тўғрисида оталарча ғамхўрлик қилаётганлиги учун Улуғ Сталинга раҳмат.

Йиғилиш охирида Тельман номли колхозга ва ўртоқ Муҳторхонов бошлиқ илғор бригадага ЎзК(б)П Орджоникидзе район комитети ва район ижроия комитетининг кўчма қизил байроғи топширилди.

Сталинча ғамхўрлик

КАТТАҚЎРҒОН («Қизил Ўзбекистон» мухбиридан). Районнинг колхозларида СССР Министрлар Совети ва ВКП(б) Марказий Комитетининг «Колхозларда қишлоқ хўжалик артелининг Уставини бузишга барҳам бериш чоралари тўғрисида»ги қарори қизғин муҳокама қилинмоқда. Бу қарор Ботиробод қишлоқ советидаги Молотов номли колхозда муҳокама қилинганда колхоз партия ташкилотининг секретари ўртоқ Зарипов бундай деди:

— Колхозимиз урушдан аввал миллионер эди. 1941 йилда колхозчиларимиз ҳарбир гектар ердан 27 центнердан пахта ҳосили етиштирган эдилар. 800 га яқин қўй, эчки ва жуда кўп қорамолларимиз бор эди. У пайтда колхозимизда бўладиган ҳамма иш маслаҳат блан, қишлоқ хўжалигининг намунали Уставига мувофиқ қилинар эди. Натижада колхозимиз йилдан-йилга ўсиб, мустаҳкамланиб борди. Аммо сўнгги йилларда колхоз Уставига кам э'тибор қилинди. Бундан фойдаланган ялқовлар, ярамас кишилар колхоздан ўзларининг шахсий манфаатлари учун кўпроқ фойдаландилар. Колхознинг даҳлсиз ва муқаддас ери талон-тарож қилинди. Колхозчиларнинг ҳалол меҳнати орқасида ортдирилган даромадни ҳар кимлар еб кетди. Натижада колхоз иши жуда бўшашиб қолди. 1945 йилда ҳар гектардан атиги 12 центнерча пахта ҳосили олинди. 800 та қўй-эчкидан 150 та, 1945 йилнинг охирида бўлган 42 қорамолдан 33 та қолди.

Йиғилишда сўзга чиққан ўртоқлар Молотов номли колхозда колхоз ерларининг талон-тарож қилинганини ҳам айтиб ўтдилар. Заготзерно идораси колхознинг 18 ярим гектар ерини, район ижроком ходимлари 7,5 гектар ерини ёрдамчи хўжалик қилиб олганлар. Колхоз ҳосилот советининг раиси Эгамберди Солиев томорқасидан ташқари 0,46 гектар, бригада бошлиғи Муҳаммадиев 0,36 гектар, мироб Парда Мавлонов 0,31 гектар ерни эгаллаб олганлар. Колхоз раиси ўртоқ Шолиев меҳнатни ҳисобга олиш, қилинган меҳнатга қараб ҳақ тўлаш иши блан қизиқмайди. Колхозчиларга 3 ойдан бери аванс берилмайди. Колхозда меҳнат интизоми жуда бўш бўлганидан колхоз ҳозир пахта тайёрлашда орқада қолмоқда.

Бешмингчи теримчилардан Ҳамроева ва Олимова ўртоқлар ўз сўзларида партия ва ҳукуматнинг бу қарори колхозчиларга сталинча ғамхўрлик қилишнинг намунаси эканини айтиб, қишлоқ хўжалик артели уставини бузишга бундан кейин мутлақо йўл қўйилмайди, дедилар.

Колхоз хўжалигини мустаҳкамлаш программаси

ССР Иттифоқи Министрлар Совети ва ВКП(б) Марказий Комитетининг «Колхозларда қишлоқ хўжалик артелининг Уставини бузишга барҳам бериш чоралари тўғрисида» деб чиқарган тарихий қарорини колхозчи деҳқонлар зўр хурсандчилик блан қарши олдилар. Партия, ҳукуматимизнинг бу қарорини колхоз жамоат хўжалиги ҳақида сталинча ғамхўрлик, артель Уставини бузиш ҳолларига хотима берадиган тадбир, деб тарифламоқдалар.

22 сентябрь куни Чиноз район, Эски Тошкент қишлоқ советидаги «Ленин йўли» колхозининг а'золари бу қарорни муҳокама қилиш учун тўпландилар. Мажлисда колхоз раиси ўртоқ Орзи Рўзиматова чиқиб сўзлади. У, барча колхозчиларнинг фикрини ифода қилиб, бундай деди:

— Партия, ҳукуматимизнинг артель Уставини бузишга барҳам бериш тўғрисида чиқарган тарихий қарори колхоз хўжалигини мустаҳкамлашда буюк программадир. Бу қарор ҳеч шубҳасиз, колхоз уставини бузиш, меҳнат кунлари ва колхоз маблағлари ҳамда жамоат ерларини талон-тараж этишга қат'иян хотима беради, колхозларни ташкилий-хўжалик жиҳатдан мустаҳкамлайди. Биз, бу қарорга жавобан зўр ғайрат блан ишлаб, колхозимизда йўл қўйилган хатоларни қисқа вақт ичида тугатиб, колхозимизнинг янада илғор бўлишини та'минлашимиз лозим. Бу албатта бизнинг қўлимиздан келади.

«Ленин йўли» колхозининг раҳбарлари кўп ҳолларда артель Уставини бузишга йўл қўйганлар. Колхоз раҳбарлари умумий йиғилиш олдида ўзларининг жавобгар эканликларини унутиб, ўзбошимчалик блан иш кўрганлар. Бу—колхозни кучсиз, қолоқ бўлишга олиб келган. Колхознинг илгариги раиси Салимовнинг бошчилигида бир тўда юлғичлар жамоат мулки, ерлари ва пулларини талаганлар. Колхознинг ферма мудири Шариф Боймуҳамедов 25 қўй, 2 қорамол ва бир туяни йўқ қилган. Салимов колхоз эҳтиёжи учун 15 минг сўмга сотиб олинган уйни ўз қариндошига бериб, колхоз пулини ундирмаган. Колхоз атрофида яшовчи а'зо бўлмаган 15 хўжалик учун жамоат ерларидан томорқа участкалари берилган. Колхоз раҳбарлари ва айрим колхозчилар томорқа участкаларини Уставга хилоф равишда ортиқ экканлар. Бригада бошлиғи Бадалбоев 0,42 гектар ерга экин экиб олган. Умумий мажлиснинг қарори бўлмагани ҳолда, колхоз раисининг хоҳиши блан Тошкент Октябрь район ошхоналар трестига колхознинг 40 гектар ҳосилдор ери бериб юборилган.

Колхоз Уставини бузиш кейинги кунларда ҳам давом этмоқда. МТСларнинг Эски Тошкент қишлоқ советидаги қурилишлари учун 14 та колхозчи ишлатилиб, уларга колхоз ҳисобидан меҳнат куни берилган.

СССР Министрлар Совети ва ВКП(б) Марказий Комитетининг қарори колхозчи деҳқонларнинг манфаатларини қаттиқ қўриқловчи энг муҳим сиёсий ҳужжатдир. «Ленин йўли» колхозининг а'золари бу қарорни тўла амалга ошириш учун астойдил ишга киришдилар.

В. И. Ленин Асарлари IV нашрининг 4-нчи томи

ЛЕНИНГРАД, 21 сентябрь (ТАСС). Горький номидаги «Печатный Двор» босмахонаси В. И. Ленин Асарлари IV нашрининг 4-нчи томини 250 минг нусхада босиб чиқарди.

В. И. Ленин Асарларининг 5-нчи томи босила бошлади.

И. В. СТАЛИН АСАРЛАРИНИНГ ИККИНЧИ ТОМИ ОБУНАЧИЛАРГА ТОПШИРИЛМОҚДА

Ўзкитоб магазинлари И. В. Сталин Асарларининг иккинчи томини обуначиларга топшира бошладилар.

И. В. Сталин Асарларининг иккинчи томига Иосиф Виссарионовичнинг 1907 йилнинг иккинчи ярмидан 1913 йилгача бўлган даврда ёзган асарлари киритилган. Китобда И. В. Сталиннинг 1913 йилда ёзилган «Марксизм ва миллий масала» деган машҳур асари ҳам бор.

Ўртоқ Сталин Асарларининг иккинчи томи республиканинг ҳамма областьларига юборилди. (ЎзТАГ).

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК АРТЕЛИНИНГ СТАЛИНЧА УСТАВИ ТЎҒРИСИДАГИ ҲУЖЖАТЛАР НАШР ҚИЛИНАДИ

Сиёсий адабиёт давлат нашриёти СССР Министрлар Совети ва ВКП(б) Марказий Комитетининг «Колхозларда қишлоқ хўжалик артелининг Уставини бузишга барҳам бериш тўғрисида» деб 1946 йил 19 сентябрьда чиқарган қарорини ҳамда ВКП(б) Марказий Комитети ва ССР Иттифоқи Халқ Комиссарлари Советининг «Колхозларнинг жамоат ерларини талон-тарож қилишлардан сақлаш чоралари ҳақида» деб 1939 йил 27 майда чиқарган қарорини алоҳида китобча қилиб чиқаради. Китобчада қишлоқ хўжалик артелининг намунавий устави ҳам бор.

Китобча 2 миллион 500 минг нусхада босилади ва область, ўлка ҳамда республикаларга юборилади. Мамлакатнинг айрим жойларига китобча аэропланда етказиб берилади. (ТАСС).

ҚИРҒИЗИСТОНДА ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИ КЕНГАЙТИРИЛМОҚДА

ФРУНЗЕ (ТАСС). Урушдан кейинги бешйилликда Қирғизистон тўқимачилик саноатида янги фабрика ва заводлар қуриш, ҳозир ишлаб турган фабрика ва заводларни қайтадан қуриш ҳамда кенгайтириш учун 34 миллион сўм сарфланади. Беш йил мобайнида республика пахта тозалаш саноатининг қуввати йилига яна 7 минг тонна тоза пахта чиқара оладиган даражага етказилади. Ҳозир ҳар йили 200 минг метр шойи газлама ишлабчиқарадиган Уш ипак комбинати 1950 йил охирида 700 минг метр шойи чиқаради. Комбинат крепдешин, шойи ва атлас чиқара бошлайди.

Фрунзе мовут-фабрикасининг қуввати икки ярим баравар оширилади. Фрунзедаги канап-жут фабрикасида кон-канер ва арқон ишлабчиқариш икки мартадан кўпроқ оширилади.

Чу, Янги-Жор, Жонги Пахта, Орлов, Қорабулоқ тола заводлари кенгайтирилади ва қайтадан қурилади.

КАРТОШКА ҚАЗИЙДИГАН МАШИНАЛАР ИШЛАБЧИҚАРИЛМОҚДА

СВЕРДЛОВСК (ТАСС). Ўрта Урал механика заводи картошка қазийдиган машиналар ишлабчиқара бошлади. Тракторга тиркаладиган бу машина 50 кишининг меҳнатини бажаради. Машина 10 соат ичида 4,5 гектар ердаги картошкани қазийди.

Терилган пахта қабул пунктларига пешма-пеш топширилсин

Пахта чўкиб қолмасин

Республикамизда пахта йиғим-териминнинг бошланганига бир ойдан кўп вақт ўтди. Пахта йиғим-теримини намунали уюштирган илғор колхозлар сентябрь ойининг дастлабки кунлариданоқ бу соҳада катта муваффақиятларга эришмоқдалар. Сурхондар'ё областининг Термиз районидаги «Қизил чегара», Жарқўрғон районидаги «Меҳнат роҳат», Самарқанд область Метон районидаги «Озод» колхозлари йиллик пахта тайёрлаш планларини бажардилар. Улар пахтанинг ҳамма ҳосилини қисқа муддатда териб олиш учун ғайрат блан ишламоқдалар.

Аммо, республикамизнинг кўпчилик область ва районларида пахта йиғим-терими ҳалигача яхши ташкил қилингани йўқ. Буни Ўзбекистон Тўқимачилик саноати министрлигининг 23 сентябрьгача берган ма'лумотидан аниқ билиш мумкин. Ўзбекистон колхозлари 23 сентябрьгача йиллик пахта тайёрлаш планини 19,4 процент бажардилар. Тошкент области планини 11,6 процент, Фарғона области 15,5 процент, Наманган области 14,3 процент, Андижон области 15,6 процент, Самарқанд области 16 процент, Бухоро области 30,2 процент, Қашқадар'ё области 39,3 процент, Сурхондар'ё области 36,7 процент, Хоразм области 14,4 процент, Қорақалпоғистон АССР 18,4 процент бажардилар.

Пахта териш ва тайёрлаш ишининг ҳозирги бориши партия ва ҳукумат томонидан сентябрь ойи учун белгиланган графикнинг бажарилишини хавф остида қолдиради. Республикамизда сентябрь ойи ичида йиллик планнинг 42 проценти миқдорида пахта тайёрлаш учун йиғим-терим сур'атини кескин равишда ошириш, кунига йиллик планнинг 2,2,5 проценти миқдорида, алоҳида районларда эса 3 проценти миқдорида пахта тайёрлаш керак. Бунинг учун колхоз ва совхоз далаларида очилиб ётган пахталарни дарҳол териш, теримга ажратилган барча кучни сафарбар қилиш, кунда терилган пахтани кунига давлатга топширишни уюштириш керак.

Қўлимизда бўлган ма'лумотлар кўп колхозларда терилган пахталарнинг ўз вақтида тайёрлаш пунктларига топширилмай, колхозларда чўкиб қолаётганини кўрсатади. Қорақалпоғистон АССРнинг Қўнғирот районидаги Ленин номли колхозда 15 сентябрьгача 62 тоннадан кўп пахта терилган. Давлатга эса атиги 33 тонна пахта топширилган. Бухоро областининг Қаган районидаги колхозларда 15 сентябрьгача йиллик планнинг 11 процентини қоплайдиган пахта чўкиб қолган.

Бунинг сабаби шундаки, район партия ва совет ташкилотларининг ва тайёрлаш органларининг раҳбарлари, колхоз правленияларн пахта териш учун ажратилган транспортдан ниҳоятда ёмон фойдаланмоқдалар. Коп-қанорларга белгиланган нормадан ҳам кам пахта солинмоқда, машина ва араваларга кам пахта ортилмоқда ва машина ҳамда аравалар пунктларга графикда белгиланганидан оз қатнамоқдалар.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва ЎзК(б)П Марказий Комитети «1946 йилдаги пахта ҳосилини териш ва тайёрлаш тўғрисида» деб чиқарган қарорида икки от қўшиладиган бричкага камида 700 килограмм, бир аравага 500 килограмм, бир туяга 200 килограмм, бир эшакка 60 килограммдан пахта ортиш, от-уловдан тўла фойдаланиш, ҳатто колхозчиларнинг ўз ихтиёрларидаги от-уловдан ҳам фойдаланиш кераклиги кўрсатилган.

Партия ва ҳукуматнинг қарори тўла амалга оширилиши керак. Кунда терилган пахта кунига давлат тайёрлаш пунктларига топширилсин. Колхозларда терилган пахталарнинг чўкиб қолишига мутлақо йўл қўйилмасин. Маҳаллий партия ва совет ташкилотлари, тайёрлаш органлари колхозларда пахтанинг чўкиб қолишига қарши кескин кураш олиб боришлари, транспорт бригадаларининг иши устидан большевикча назорат қилишлари лозим.

Тошкент область, Янгийўл районидаги «Коммунист» колхозида пахта йиғим-терими. Суратда (чапдан ўнгга): энг яхши теримчилардан Марҳамат Умарова ва Инобат Эгамбердиевалар ҳар куни 150 килограммдан пахта термоқдалар.

И. Глауберзон фотоси.

ОҚДАР'ЁДА ПАХТА ЙИҒИМ-ТЕРИМИНИ ТЕЗЛАТИШГА РАҲБАРЛИК ҚИЛМАЁТИРЛАР

(«Қизил Ўзбекистон»нинг Самарқанд область мухбиридан)

Оқдар'ё районидаги «Коммунист» колхозининг а'золари бу йил мўл ҳосил етиштирганлар. 405 гектар пахта майдонининг ҳамма участкасида пахта яхши очилган. Агар йиғим-терим яхши ташкил этилганда, ҳар куни йиллик планнинг 3—4 проценти миқдорида пахта териб давлатга топшириш мумкин. Пахта шу қадар чамандек очилганки, шу кунларда колхоз даласидан фақат отбор ва биринчи сорт пахта териб олиш мумкин. Аммо, колхозда ҳозиргача йиллик планнинг 25 проценти ҳам бажарилмаган. Отбор сорт уёқда турсин, ҳали бир грамм ҳам биринчи сорт пахта топширилмаган.

Бунинг сабаби нимада? Сабаби шундаки, колхоз правленияси ва унинг раиси Шукуров пахта теримига тайёрлик ишларини ўз вақтида кўрмади. Пахта териминнинг ҳозирги қизғин кунларида ҳам колхозда йиғим-теримни кучайтиришга раҳбарлик қилинмаяпти. Ҳатто, раҳбарларнинг ўзлари пахта далаларида бўлмайдилар. Биз колхознинг кўпчилик бригадаларида бўлдик. Броқ, биронта ишга раҳбарлик этаётган ёки пахта теришда иштирок қилаётган бригада ва звено бошлиғини учратмадик. 6-нчи бригада бошлиғи Зариф Расулов эса, уч кундан буён далага чиқмайди. У, ҳовлисида қурилиш ишлари блан банд экан. Колхозда пахта йиғим-терими устидан контрольлик йўқ. Ҳечкимдан сортларга ажратиб териш талаб қилинмайди. Шунинг учун ҳам колхоздан юборилган пахталар фақат иккинчи-учинчи сортга қабул қилинади.

«Коммунист» колхозида пахта йиғимтерими ёмон ташкил қилинган. Колхозда 310 киши пахта териши керак. Теримга ажратилганлар энг кам норма бўлган 40 килограммдан пахта териб, ҳар куни 12.400 килограмм пахта топширишлари лозим. Колхозда эса, кунига 5—6 минг килограмм пахта терилади. Чунки, ҳар куни 100—150 киши теримда қатнашмайди. Далага кеч чиқиб, эрта қайтадилар. Ишга чиққанларнинг кўпчилиги нормани бажармайди. Нормани бажариш талаб ҳам қилинмайди. Терим бошланганидан буён, ишга чиқмаётган колхозчиларга терим нормасини бажармаётган ёки теримда пахта сортларини бузган колхозчиларга қишлоқ хўжалик артелининг Устави асосида чора кўрилмайди. Бу аҳвол меҳнат интизомининг қўпол равишда бузилишига олиб бормоқда.

Теримда қатнашаётган колхозчиларга иш шароити туғдирилмаган. Звено хирмонлари йўқ. Колхозчилар терган пахталарини ариқ бўйларига, йўлларга тўкмоқдалар. Кун бўйи терган пахталарини кечқурун бригадаларнинг узоқ хирмонларига олиб борадилар. Далада ясеиқ овқат, болалар боқчаси ташкил этилмаган. Теримчиларда этаклар йўқ. Илғорлар рағбатлантирилмайди. Социалистик мусобақа ва бешмингчилар ҳаракати колхозда яхши уюштирилмаган. Пахталар очилиб, сочилиб ётган бир даврда, кўпчилик теримчи 15—20 килограмм пахта теради.

«Коммунист» колхозида пахта теримида юз берган ярамас аҳволларни Оқдар'ё районининг кўп колхозларида учратиш мумкин. Масалан, Янгиқўрғон тайёрлаш пунктига қарашли 13 колхознинг биронтаси ҳам пахта териш, топшириш графикини бажармайди. Бу колхозларда териш сифатига э'тибор берилмаганидан, пахталар фақат иккинчи сортга топширилмоқда. «Қизил трактор», «Коммунист», Димитров номли ва бошқа колхозлар 14—15 процент нами бўлган иккинчи сорт пахталарни топширмоқдалар.

Оқдар'ё район раҳбарлари (район партия комитетининг секретари Сатторов, райижроком раиси Саидов, техника экинлари бўлимининг мудири Мўминов ўртоқлар) пахта йиғим-теримини ўтказишга юзаки раҳбарлик қилмоқдалар. Бу ҳол, районда пахта териш ва тайёрлаш сур'атининг тобора бўшашишига, кўпчилик колхозларда пахталарнинг сортлари бузилиб, колхозларга ва давлатга катта зиён етказилишига сабаб бўлмоқда.

Оқдар'ё райкоми ва райижрокомининг рўпарасида жойлашган Лойиш тайёрлаш пунктида ҳам кунига 15—20 колхоздан келган нам пахталар қайтарилмоқда. Сортлари бузилган пахталар иккинчи-учинчи сортларга қабул қилинмоқда. 17 сентябрь куни бу пунктдан 18.557 килограмм, 18 сентябрьда 9.878 килограмм пахта хом бўлгани учун колхозларга қайтарилди. Бу — колхозлардан келган пахтанинг учдан бир қисмини ташкил қилади.

Райком ва райижрокомнинг жойлардаги вакиллари ҳам пахта теримини тезлатиш ва терим сифатини яхшилашда колхозларга конкрет ёрдам бермаётирлар. Янгиқўрғон қишлоқ советидаги колхозларга вакил қилиб юборилган район маориф бўлимининг мудири ўртоқ Ҳамроев теримни тезлатиш учун мутлақо қизиқмайди. У, колхоз далаларида бўлмайди. Ўзи ётиб юрган «Коммунист» колхозида юз берган аҳволни тузатиш чораларини кўрмайди.

Оқдар'ёда пахта териш ва тайёрлашни тезлатиш учун ҳамма имконият бор. Районда 6 мингга яқин киши пахта териши лозим. Бу куч тўла ишга тортилганда, 253 тонна пахта терилиши, я'ни ҳар куни планнинг 3 проценти миқдорида пахта топширилиши мумкин. Бунинг учун колхозларда пахта териш ва тайёрлашни большевикча уюштириш, ҳамма кучни пахтани ўз вақтида йиғиб-териб олишга сафарбар қилиш, пахта теримида юз бераётган ҳозирги камчиликларни дарҳол тугатиш зарур.

Ғ. АШУРОВ.

Партия турмуши

Ворошилов номли завод партия ташкилотининг конференцияси

Ворошилов номли Тошкент Қишлоқ хўжалик машиналари ишлабчиқарадиган завод партия ташкилотининг конференцияси бўлиб ўтди. Конференцияда ўртоқ Боровков завод партия комитетининг иши ҳақида ҳисоб берди.

Завод партия ташкилоти ишлабчиқариш устидан контрольлик олиб бормаган. Партиявий-ташкилий, оммавий-сиёсий ишларда ҳам жиддий камчиликлар бор. Заводда кўп ойлардан буён ишлабчиқариш плани бажарилмайди. Кўп цехлар бир ме'ёрда график асосида ишламайди. Айрим цехларда штурмчилик авж олиб кетган. Ишлабчиқаришда коммунистларнинг авангардлик роли юксак даражага кўтарилган эмас. Шундай вақтлар ҳам бўладики, айрим коммунистлар ўзларига берилган нормани бажармай, меҳнат унумини оширишда бошқалардан кейинда қоладилар.

Музокарага чиқиб сўзлаган ўртоқлар завод партия ташкилотининг ишидаги жиддий хато ва камчиликларни очиб ташладилар. Ўртоқ Шматенко завод партия комитетининг ишидаги камчиликлардан бири коммунистлар ўртасида марксча-ленинча назарияни ўрганиш блан тегишли даражада шуғулланмасликдир, деб кўрсатди. У, бу муҳим ишга аҳамият бермай келган завод партия комитетининг ходимларини қаттиқ танқид қилди.

— Докладчи партия активининг ўқиши ҳақида жуда кам тўхталиб ўтди, — деди ўртоқ Шматенко,—бизда коммунистларни ғоявий-сиёсий жиҳатдан тарбиялашга яхши э'тибор қилинмайди, сиёсий ўқишда юзакичиликка барҳам берилган эмас. Заводда ўнта сиёсий ўқиш тўгараги бор. Бу тўгараклар мунтазам ишламайди. Тўгарак қатнашчилари ўртасида интизом бўшашиб кетган. Шунинг натижасида тўгарак қатнашчиларининг 10—15 процентигина машғулотга келади. Коммунистларнинг мустақил ўқишлари ҳақида жуда кўп гап бўлди. Ҳақиқатда эса қунт қилиб мустақил ўқиётган кишилар камдан-кам топилади. Партия комитети ўз ишининг энг муҳим соҳаси ҳисобланган ана шу масалага э'тибор бермай келди.

Механика цехи бошланғич партия ташкилотининг секретари ўртоқ Заводовский бундай деди:

— Партия комитети амалий иш ўрнига кўпроқ ҳар хил ма'лумотлар тўплаш блан банд бўлади. Натижада цехлардаги бошланғич партия ташкилотларининг иши бўшашиб кетган.

Нурмуҳаммедов, Тошев, Алими ўртоқлар музокарага чиқиб, завод партия ташкилотининг кадрлар тайёрлаш, айниқса ерли ишчиларнинг ихтисосини, билимини оширишга етарли даражада э'тибор бермаганлигини танқид қилдилар. Улар заводда ҳукм сураётган қўнимсизлик фактларини кўрсатдилар. 1946 йилнинг биринчи ярмида заводда 220 киши ишга кирган бўлса, 540 киши вазифасидан бўшатилган.

Завод партия комитети коммунистлар ўртасида мустаҳкам интизом ўрнатиш учун астойдил кураш олиб бормаган. Партия мажлислари, сиёсий ўқиш тўгараклари машғулотларининг белгиланган муддатларда ўтмай қолган вақтлари кўп бўлган. Партия а'золик ҳақларини тўплашда ҳам тартибсизлик юз берган.

Партия комитетининг ҳисобот доклади юзасидан 29 киши сўзга чиқди. Конференция партия комитетининг ишини қониқарсиз деб топди. Ёпиқ овоз бериш йўли блан завод партия комитетининг янги состави сайланди.

Мирзачўлда пропаганда ишларига э'тибор қилинмаётир

Қизил аскар қишлоқ советидаги колхозлар район марказидан 35—40 километр нарида. Шунга нисбатан бўлса керак, райкомнинг агитация-пропаганда бўлим мудири ўртоқ Нуримбетов Қизил аскар қишлоқ советидаги «Красная заря» колхозида ҳамма иш жойида ва айниқса пропаганда ишлари жуда яхши йўлга қўйилган деб фахрланиб гапирди.

Ҳақиқатда эса, аҳвол бутунлай бошқача: райком ходимлари Қизил аскар қишлоқ советига зарур кампаниялар вақтидагина боралилар. Район партия комитети шу йил апрель ойида ўртоқ Виноградовни «Красная заря» колхоз партия бюросига секретарь қилиб юборди ва шундан кейин колхоз партия ташкилотининг аҳволидан мутлақо хабар олмай қўйди. Ташкилот-инструкторлик бўлим мудири ўртоқ Рамазонов ҳам бу колхоз партия ташкилотига ёрдам бермади.

Натижада ўртоқ Виноградов колхоз раисининг ёрдамчисига айланиб қолди ва фақат қишлоқ хўжалик ишларини бажариб юраберди. Сиёсий-оммавий иш эса кундан-кун бўшашди. ВКП(б) Тарихи Қисқа курсини ўрганиш тўгараги ёпилиб қолди. Партия тарихини мустақил ўрганувчилар ўртасида системали иш олиб борилмади. Партия кандидатларининг сиёсий ўқуви уюштирилмади. Бешйиллик план ҳақидаги Қонунни ўрганиш юзасидан ташкил этилган тўгаракда фақат бир марта машғулот ўтказилди.

Колхозда жуда яхши безатилган агитпункт бор. Лекин бу агитпункт кўп вақтлар ёпиқ туради. Агитпунктда ҳатто газета ва журналлар ҳам топилмайди. Агитпунктдаги «Ударник» деворий газетасида босилган хабарларни чала савод киши ёзгани туфайли уни ўқиб ҳам бўлмайди.

Колхозчиларнинг умумий мажлислари ўз вақтида бўлмайди. Колхозда меҳнат интизоми ниҳоят бўшашиб кетган. Колхозчиларнинг 50 проценти ҳам кунлик топшириқни бажармайди. Ҳар куни 25—30 лаб колхозчилар сабабсиз прогул қилмоқда. Колхозчилар ишга соат 10—11 да чиқиб, кеч бўлмасдан ишдан қайтадилар.

«Красная заря» колхозидаги камчиликлар Қизил аскар қишлоқ советининг Фрунзе ва Крупская номли колхозларида ҳам айнан давом этмоқда. Умуман Мирзачўл районидаги кўпгина колхозларда пропаганда ишларини менсимаслик аҳволлари ҳукм сурмоқда.

Бунга райком секретари ўртоқ Исмоиловнинг буйруғи блан партия мактабларининг ёпилганлиги мисол бўла олади. Районда СССР Олий Совети сайловлари вақтида ташкил этилган 48 агитпунктнинг биронтаси ҳам му'тадил ишламайди. 360 дан ортиқ агитаторларнинг ҳозир нима иш қилаётганлигини райкомдаги ўртоқлар билмайдилар. Сиёсий ва халқаро темалардаги лекциялар район партия, совет активлари келмай қолганлиги учун ўтказилмади. Район активларининг сиёсий ўқувини давом эттириш учун бир ойдан бери ҳаракат қилинса ҳам ҳалигача бирор машғулот бўлмади.

Райком секретарьлари: Исмоилов, Крютов, райижроком раиси Қодиров, 1-нчи МТС директори Ткаченко, 2-нчи МТС директори Полтавский ўртоқлар бир марта ҳам партия ўқувига иштирок қилган эмас.

Райкомнинг пропаганда бўлимида ишлаётган ходимлар, кичик бир хонага тўпланиб «ишлайдилар». Лекин уларнинг иши устидан ҳечким назорат қилмайди. Райкомнинг пропаганда бўлим мудири ўртоқ Нуримбетов партия кабинетини ўзига ётоқхона қилиб олган.

«Қизил Ўзбекистон» газетаси бундан 2 ой илгари Мирзачўл районида пропаганда ишларининг ёмон қўйилгани ҳақида сигнал берган эди. Аммо, райкомдаги ўртоқлар ўзларининг ишида жиддий бурилиш ясаганлари йўқ.

М. ЭЛМУРОДОВ.

КОНСУЛЬТАЦИЯ

ПАХТАНИ СТАХАНОВЧА ТЕРИШ УСУЛИ

Пахтакорликда энг мас'улиятли ва муҳим ишлардан бири пахта теримидир. «Йиғим-терим — дейди ўртоқ Сталин— мавсумий иш ва буни кечиктириб бўлмайди, ўз вақтида йиғиб олсанг ютасан, йиғим-теримда кечиксанг — ютқизасан».

Колхоз, совхозларимизда кунда 100 килограммдан пахта тераётган теримчилар оз эмас. Лекин шу блан бирга кунда 20-30 килограммдангина пахта териб, теримни орқага судраётганлар ҳам йўқ эмас.

Ҳозирги вазифа стахановчи илғор теримчиларнинг иш тажрибасини оммалаштириш, теримда орқада қолаётганларни илғор теримчилар қаторига етказиш ва умуман меҳнат интизомини энг юқори даражага кўтаришдан иборат бўлиши керак.

Пахта теримида меҳнатнинг унумли бўлиши учун социалистик иш усулини тўғри амалга ошириб, бригада ва звено ишини тўғри уюштирмоқ зарур. Ҳарбир бригададаги, айниқса звено участкасидаги пахта айрим терилиб, айрим ҳисобга олиниши керак. Ана шундагина колхозчиларга мўл ҳосил учун қўшимча ҳақ тўлаш, шунингдек звено ва теримчилар ўртасида социалистик мусобақа иши яхши амалга ошади.

Звенодаги ҳарбир колхозчининг меҳнатини тўғри уюштириш керак. Лекин, ба'зи колхозларда 5-6 теримчи пахтани бир ерда тўпланишиб терадилар. Уларнинг ҳар қайсисига 1-2 тадан ғўза қатори бириктириб қўйилади. Улар кун бўйи бирнеча мартадан қатордан қаторга ўтадилар. Натижада теримчиларнинг иш унуми пасаяди ва ишда мас'улиятсизлик ортади, я'ни теримчиларнинг қанчалик тоза ва яхши тераётганликлари устидан контрольлик қилиш қийин бўлади.

Одатда теримчиларнинг ўзлари терган пахталарини хирмонга келтирадилар. Бу блан уларнинг иш унумлари 20 — 25 процент камайиб кетади. Тажриба шуни кўрсатадики, терим ишини юқори унумли қилиш учун ҳарбир звенода махсус пахта ташувчи киши бўлиб, терилган пахталарни хирмонга ташиб туриши керак.

Пахта теримида кундалик иш тартиби яхши йўлга қўйилган бўлса, терим иши блан дам олиш ўз вақтида тартиб блан ўтказилса, ишнинг унумдорлиги ортади. Илғор теримчилар икки хил қисқа ва узоқ муддатли дам оладилар. Одатда узоқ дам олиш, кунда 2-3 марта бўлади. Улар эрталабки нонуштани соат 9—10 ларда қилиб, 15—20 минут дам оладилар. Тушки овқат кундуз соат 3 да бўлиб 1 соат дам олинади. Ба'зи стахановчилар яна кеч соат 5—6 ларда ҳам 15—20 минут дам оладилар. Қисқа 2—3 минутлик дам олиш ҳар гал этакни бўшатишда бўлади. Мана шундай дам олинганда теримчи чарчамайди ва терим иши жуда унумли бўлади. Айни замонда узоқ муддатли дам олишда газета ўқиш, радио эшитиш, суҳбатлар ўтказиш каби ишлар бажарилади.

Кунда 100 килограмм ва бундан кўп пахта териш учун 18—20 минг дона кўсакдан пахта юлиш керак. Шунинг учун ҳам стахановчи теримчилар минутгина эмас, балки секундни ҳам ғанимат биладилар. Ўртоқ Сталин стахановчилар ҳақида шундай деган эди: «Стахановчилар шундай кишиларки, улар маданиятли, техника тайёрлиги олган кишилар, ишда аниқлик ва пухталик намуналарини кўрсатадиган кишилар, ишда вақтнинг қадрига етадиган ҳамда вақтни минутлар блангина эмас, балки секундлар блан ҳам ҳисоблашга ўрганган кишилардир».

Демак, пахта теримида ҳарбир кўсак пахтасини, мумкин қадар оз вақт сарф этиб, чаққонлик блан юлиб олиш стахановчилик ишининг асосий шартларидандир. Тажрибаларга қараганда, стахановчи теримчилар бир дона кўсак пахтасини юлиб олиш учун бир секундгина вақт сарф этадилар. Ҳолбуки, иш унуми паст бўлган теримчилар бир дона кўсак пахтасини юлиб олиш учун 4—5 секунд вақт сарф этадилар. Стахановчиларнинг бунчалик тез теришларига сабаб шуки, улар кўсак пахтасини бирданига беш панжа блан тагидан ушлаб силтаб юладилар. Унумсиз терувчилар эса, аксинча пахтани «чуваб» ва чаноқда пахта қолдириб терадилар.

Сўнгра, стахановчилар икки қўллаб пахта терадилар. Бу хилда ишлаганда пахта 1,5—2 марта кўп терилади.

Териш тартиби ҳам муҳим. Стахановчилар теримга тушишда биринчи туп ғўзанинг устки кўсагидан бошлаб пастки кўсакка, иккинчи тупнинг пастки кўсагидан устки кўсагига қараб теради. Учинчи тупнинг яна устки томонидан пастка, тўртинчи тупнинг пастидан юқорига томон пастка терила боради. Терилганда ортиқча эгилиш бўлмайди ва иш унуми жуда ортади.

Пахта теришда, юлиб олинган пахтани этакка солиш ва этакни пахтадан бўшатиш тартиби ҳам муҳим. Стахановчилар 4—5 кўсак пахтасини юлганларидан кейин, уни этакка соладилар. Бу блан улар пахтани этакка солиш учун сарфланадиган вақтни тежайдилар. Шу блан бирга улар этаклаги пахтанинг жуда кўпайиб кетишига йўл қўймайдилар. Шунингдек, ортиқча тез-тез бўшатишга ҳам уринмайдилар. Улар этакда 6-8 килограмм пахта йиғилиши блан бўшатадилар. Бу йўл блан ҳам улар этакни бўшатиш вақтини анча тежаб иш унумини орттирадилар.

Этакнинг қандай тикилиши ҳам муҳим. Стахановчи теримчилар қопдан ясалган чўнтак, чорси этакнинг бир томонини ҳам қайириб белга қистирадилар. Терилган пахта этакнинг икки ёнидан ва уст томонидан солина беради ва буни бўшатиш ҳам осон бўлади.

Стахановчи — илғор теримчиларнинг ишидаги фарқ ана шулардан иборат. Энди ҳарбир колхоз, совхоз раҳбарларининг вазифаси стахановчиларнинг иш тажрибасини оммалаштириш ва бу ишда қаттиқ етакчи бўлишдан иборатдир.

Ўзбекистон партия ва ҳукумати ўзининг 1946 йил 27 августда чиқарган қарорида, колхоз, совхозлардаги илғор теримчиларнинг тажрибасини, бир мавсумда 5000 килограмм ва ундан кўп пахта териш учун социалистик мусобақани кенг миқ'ёсда оммалаштириш зарурлигини кўрсатиб ўтган эди. Шу кўрсатмага асосан ҳам стахановчилар тажрибасини тўхтовсиз амалга ошириб, мумкин қадар кўпроқ оммалаштириш керак.

И. С. ДАВИДОВ.

СоюзНИХИ илмий ходими.

Марксизм-ленинизм кечки университетида иккинчи ўқув йили

ЎзК(б)П Наманган шаҳар комитети ҳузуридаги марксизм-ленинизм кечки университетида 1945-1946 ўқув йили муваффақиятли тамомланди. Кечки университетда партия ва совет раҳбар кадрлари, инженер-техник ходимлар ўқиб, 100 дан кўпроқ киши битириб чиқди.

Шаҳар партия комитети кечки университетни янада кенгайтириш ва ўқиш сифатини яхшилаш учун тегишли чоралар кўрди. 1946—1947 ўқув йилида марксизм-ленинизм кечки университетининг иккинчи курсида машғулотлар рус ҳамда ўзбек тилларида олиб борилади. Ўзбек ва рус группаларининг ҳар бирида 30 тадан киши бўлади. Шаҳар партия комитети томонидан тузилган комиссия кечки университетни янги ўқув йилига тайёрлаш соҳасида бирмунча иш қилди. Кафедралар тайёрланиб, яхшилаб жиҳозланди. Университет ўқувчилари ўзлари учун зарур бўлган ўқув қуролларн ва адабиётларни тайёрламоқдалар. Университетда дарс берадиган ўқитувчилар, лекторлар состави ҳам белгиланди.

Кечки университетнинг биринчи курсини тамомлаган раҳбар кадрлар марксизм-ленинизм назариясини эгаллашда ўзларида катта билим тўплаган эдилар. Эндиликда улар иккинчи курсда биринчи курсда олган билимларини янада мукаммаллаштирадилар.

ЯНГИ СОВЕТ ҚАДРЛАРИ

(«Қизил Ўзбекистон» мухбиридан)

Шу йил июнь ойида Хоразм область ижроия комитети ҳузурида раҳбар совет кадрлари тайёрлаш ва қайта тайёрлаш уч ойлик курси очилган эди. Курсда Қўшкўпир, Хева, Шовот, Ҳазорасп ва Урганч районларидан 60 қишлоқ советининг раислари, секретарьлари ўқиди. Уларга ВКП(б) тарихи, Сталин Конституцияси, Совет ва колхоз қурилиши ҳамда СССР халқ хўжалигини тиклаш ва ривожлантириш бешйиллик плани ҳақида лекциялар ўқилди.

ЎзК(б)П Хоразм обкомининг лекторлари ва Урганч давлат педагогика институтининг илмий ходимлари бешйиллик план, пахтачиликни ривожлантиришда Сталинча программани амалга ошириш ҳақида бирқанча консультациялар ўтказдилар.

Курсни 57 киши тамомлаб чиқди.

М. ХУДОЙБЕРГАНОВ.

ПАРИЖ СУЛҲ КОНФЕРЕНЦИЯСИДА

ЧЕХОСЛОВАКИЯ БЛАН ВЕНГРИЯ УРТАСИДА АҲОЛИ АЙРИБОШЛАШ ТУҒРИСИДАГИ МАСАЛА

ПАРИЖ, 21 сентябрь **(ТАСС махсус мухбиридан)**. Венгрияга доир сиёсий ва территория масалаларини кўручи комиссия кеча Чехословакия делегациясининг Чехословакия блан Венгрия ўртасида аҳоли айрибошлаш ҳақидаги таклифини муҳокама қилди.

Комиссия бундан аввалги мажлисларидан бирида бу масала юзасидан Венгрия делегациясининг фикрини эшитган эди. Венгрия делегацияси Чехословакия делегациясининг таклифига қарши чиқди ва Чехословакиядаги венгр аҳолисининг Венгрияга кўчирилиши Венгрия учун жуда оғир вазифа, деб шу нарсани ўз э'тирозларига сабаб қилиб кўрсатди.

20 сентябрьдаги мажлисда Чехословакия вакили Клементис нутқ сўзлаб, Венгрия делегациясининг сўзига жавоб қайтарди. У Венгрия делегациясининг нутқидаги статистик рақамлар ва келтирилган ма'лумотлар ҳақида шубҳаланганлигини айтди. Клементис Чехословакиядаги венгр аҳолисининг Чехословакия давлатига қарши курашда ўйнаган ролини эслатиб ўтди. Венгрия делегацияси Чехословакия «инсонпарварлик методлари»ни қўлланишни истамайди деб, унга та'на қилганлиги муносабати блан Чехословакия делегацияси Сулҳ конференцияси олдида ва жаҳон афкор оммаси олдида венгрларни Чехословакиядан энг адолатли усуллар блан кўчиришга ва'да берди.

Америка Қўшма Штатларининг вакили Чехословакия блан Венгрия давлатлари ўртасида музокара юргизиш йўли блан аҳоли айрибошлаш масаласини ҳал этишни ва бу масалани ҳал этишда кичик комитет томонидан тайинланган комиссияни қатнаштиришни таклиф этди. Шу блан бирга у венгрларни мажбуран кўчиришга қарши э'тироз билдирди

Шундан кейин СССР делегациясининг вакили Вишинский сўзлади.

Венгрияга доир сиёсий ва территория масалаларини кўручи комиссияда 1946 йил 20 сентябрьда А. Я. ВИШИНСКИЙнинг сўзлаган нутқи

Раис жаноблари, Чехословакия делегацияси томонидан Париж конференциясининг муҳокамасига қўйилган масала, муҳим ва жиддий масаладир. Бу масаланинг ўз тарихи бор. Агар бу ерда батафсил айтилган гапларни такрорламайдиган бўлсак, муболағасиз айтиш мумкинки, бу ерда кўп фактлар баён қилинди ва комиссияга кўпгина материаллар, фикр ва мулоҳазалар (гарчи бу материал, фикр ва мулоҳазалар принципиал позицияларда туриб, ўзаро курашаётган турли вакиллар томонидан тақдим этилган бўлса ҳам) топширилди. Бу материал ва мулоҳазалар комиссиянинг Чехословакия делегацияси томонидан топширилган таклиф юзасидан муайян хулоса ва қарор чиқариши учун етарли даражада катта асос беради.

Чехословакияда озчиликни ташкил этган венгр миллати тўғрисидаги масала блан боғлиқ бўлган воқиаларнинг узоқ тарихини баён қилмай, биз энг яқин даврда бўлган воқиалар ҳақида гапириш блан чекланадиган бўлсак, Чехословакиядаги венгрларни Чехословакиядан Венгрияга кўчириш ва Венгриядаги словакларни Чехословакияга кўчириш масаласини ўз сиёсатида демократик принципларга таянучи Чехословакия ҳукуматининг интилишларига мувофиқ ҳал этиш учун, 1945-1946 йилларда Чехословакия ҳукумати блан Венгрия ҳукумати ўртасида олиб борилган музокараларни эслатиб ўтиш кифоя қилур эди.

Ма'лумки, Чехословакия ҳукумати Венгрия ҳукумати блан Чехословакия ҳукумати ўртасида музокара олиб бориш натижасида ҳар икки мамлакат ўртасида тузиладиган битим асосида венгрларни Чехословакиядан Венгрияга кўчириш масаласини ҳал этишга уриниб кўрган эди. Бу чора Чехословакия ҳукумати амал қилаётган демократик принципларга мос келадиган ва оқилона чорадир. Чехословакия ҳукумати айниқса кейинги йилларда ўз мамлакатида демократияни кучайтириш ва демократик асосларни мустаҳкамлаш соҳасида кўп иш қилди. Чехословакия ҳукуматининг ҳақиқатан ҳам муҳим бўлган ана шу масалани (масаланинг шундай муҳимлигини ҳеч ким инкор қилолмайди) Венгрия ҳукумати блан дўстона ва самимий вазиятда ҳал этишни кўзда тутиб қилган ҳаракати унинг принципиал йўлига, я'ни Чехословакиядаги демократик ҳукумат ўзининг бутун фаолиятида ва хусусан ташқи муносабатлар соҳасида амалга оширишга интилаётган сиёсий принципларига тамомила муносибдир.

Совет ҳукумати миллий масалаларни ҳал этишда, майда миллатларга доир проблемалар блан боғлиқ бўлган масалаларни ҳал этишда талайгина тажрибага эгадир. Совет Иттифоқида Ленин-Сталин та'лимотининг юксак принципларига таянган миллий сиёсатнинг амалга оширилиши, ана шундай масалаларнинг ҳал қилинишини та'мин этмоқда. Тенглик ва қардошликнинг юксак ғоялари блан илҳомланган совет ташқи сиёсати, шунингдек Совет Иттифоқининг мамлакат ичкарисидаги миллий сиёсати халқларнинг тенг ҳуқуқли эканлигини ҳурмат қилиш принципига, миллатларнинг ўз тақдирларини ўзлари белгилаш ҳуқуқларини ҳурмат қилиш принципига асосланади. Ленинча-сталинча миллий сиёсат мамлакатимизда яшовчи кўп миллатлар иқтисодий ҳаётининг муваффақиятли ривожланишини ва миллий маданиятнинг томма'носи блан юксалишини та'мин этди. ана шу тараққиёт натижасида ўн олти совет социалистик республиканинг миллий ҳаётида ва бу республикаларда яшовчи халқлар ҳаётида яшириниб ётган ижодий кучлар шу қадар порлоқ ва кенг суратда ривожландики, бу ижодий кучлар совет давлати раҳбарларининг социалистик қурилиш соҳасида қилган амалий ишларига муносиб мукофот бўлди. Совет ташқи сиёсати миллатларнинг ўз тақдирларини ўзлари белгилаш ҳуқуқини ҳурмат қилиш принципига, халқларнинг тенглигини ҳурмат қилиш принципига асосланади. Бу сиёсат шундай натижалар берадики, бу натижалар Совет Иттифоқининг ҳозирги вақтда ҳурматли мажлисимиз шуғулланаётган масалаларни жуда яхши билишига имкон беради. Совет Иттифоқининг бошқа давлатлар блан тузган шартнома ва битимлари ана шу асосга таянди. Совет Иттифоқи тузаётган иқтисодий, сиёсий битимлар ва бошқа битимларни, шу жумладан комиссиямиз қизиқаётган масалага бевосита алоқадор бўлган битимларни худди шу асосда тузади. Мен аҳолини кўчириш, ўз ватанига қайтариш, аҳоли айрибошлаш масалаларига доир битимлар тўғрисида, ана шу қийин вазифаларни ҳал этиш блан боғлиқ бўлган проблема тўғрисида гапираётирман. Мен мисол тариқасида комиссиянинг э'тиборини шундай бир ҳужжатга, я'ни 1945 йил 6 июльда Совет Иттифоқи блан Польша ўртасида тузилган битимга жалб этаман. Бу битимга мувофиқ, шу бир ярим йил ичида Совет Иттифоқидан Польшага бир миллиондан ортиқ киши кўчирилди ва Польшадан юз мингларча украин, белорус, рус ва бошқа миллатлар СССРга кўчирилди. Бу битим мен ҳозиргина айтиб ўтган принципларга асосланади. Шу сабабдан, совет ҳукумати бошқа мамлакатларнинг ҳукуматлари томонидан бир-бирларига ҳурмат қилиш ва қардошларча ҳамкорлик ўрнатиш принципларини амалга ошириш йўлида кўриладиган шундай чораларни табриклаган бўлур эди. Бу тамомила табиий бир ҳол.

Шу сабабдан, 1945 йилда Чехословакия ҳукумати блан Венгрия ҳукумати ўртасида олиб борилган ва 1946 йил 27 февральда битим тузиш блан тамом бўлган ҳамма музокаралар ижобий бир ҳолдир. Бу чора программаларда э'лон қилинадиган принципларнинг амалга оширилишини қадрловчи кишиларга катта умид бағишлайди. Шу нарсани афсусланиб э'тироф қилиш керакки, юқорида айтилган битим амалда тегишли натижалар бермади. Шундай битим тузилиши блан тугалланган ва бу хилдаги музокаралар йўли блан ҳал этилиши лозим бўлган бу масала ҳал этилмай қолди, ҳарҳолда, бу масала ҳозирги вақтда ҳал этилган эмас. Фикримча, ҳозирги вақтда ҳарбиримизнинг олдимизда бундан буён қандай ҳаракат қилиш керак деган масала тамомила аниқ ҳолда қўйилиши керак. Чехословакия республикаси учун, бутун дун'ё учун муҳим бўлган ана шу масалани бундан буён ҳал этишдан воз кечиш керакми, чунки бу масала халқаро аҳамиятга эгадир, бу масала катта аҳамиятга эга бўлиб қолди. Шу нарса аниқ бўлиши керакки, бу масаланинг тўғри ёки нотўғри ҳал этилиши жиддий оқибатларга сабаб бўлмай қололмайди, чунки бунда гап бутун дун'ёдан ажралиб қолмай, балки халқаро муносабатлар системасига қўшилган икки давлат ўртасидаги халқаро муносабатлар тўғрисида бораётир. Ҳовузнинг юзига ташланган тош четга томон интилучи тўлқунларни вужудга келтиргани каби, бу чора ҳам халқаро муносабатларга та'сир кўрсатмай қололмайди. Масала ҳал этилмаган. Чехословакия ҳукумати бу масалани ҳал этишга уринмоқда. У битим тузиш йўлини қидирмоқда. У битим тузиш учун курашмоқда, битим тузишга интилмоқда. битимни имзолади ҳам, аммо, бу битим амалга оширилмаётир.

Қизиқ бир аҳвол юз беради. Биз, Совет Иттифоқи, масалан, чет элларда бўлган ва, афсуски сун'ий суратда мамлакатимизга қайтарилмай турган кишиларимизни ўз мамлакатимизга қайтаришни истаймиз. Бу кишилар биз учун зарурдир, чунки улар ўз кишиларимиз, бутун вужуди блан ўз халқимиз кишиларидир. Венгрия ҳукумати эса, афтидан, бошқа фикрда бўлса керак. Венгрия ҳукуматига 200 минг кишини қабул қилиб олишни таклиф этадилар. Аммо у: биз бу кишиларни қабул қилишни истамаймиз, биз бу кишиларга муҳтож эмасмиз, улар биз учун ортиқча юк бўлади, дейди... Бу худди кўп болалик онанинг, бу болалар менга ортиқча юк ва машаққат, шу сабабдан уларни қўни-қўшниларга берган ма'қул, эҳтимол биронтаси ўз тарбиясига олар, деб ўз болаларини қўни-қўшниларга ташлаган ва ўзи тарбиялагуси келмаган онага ўхшайди. Бу ғалати бир ҳол эмасми? Менинг фикримча, жуда ғалати ҳолдир. Чехословакия ҳукумати бунга қандай қарайди? Менинг фикримча, жуда тўғри қарайди. Совет ҳукумати, миллий манфаатлар тўқнашиб қолган шароитда миллий масалани ҳал қиладиган йўллардан бири — бир мамлакатни бошқа мамлакатга мансуб бўлган кишилардан бўшатиш ва бу кишиларни ўз юртида, ўз ватанида яхши жойлаштиришдир, деб ҳисоблайди. Айни вақтда масала ана шундай қўйилаётипти. Мен масаланинг бундай қўйилиши асосли деб ўйлайман. Менинг фикримча, ўз халқининг бошқа мамлакатда яшаб турган фарзандларини қабул қилиб олишга чора кўриш ўрнига, аксинча, халқнинг бу фарзандларини чет мамлакат ерида ўгай бола сифатида яшашга мажбур этаётган мамлакат ҳукуматининг бундай йўлини ма'қуллаб бўлмаса керак.

Чехословакиядаги венгрларни кўчириш масаласи ҳал қилинмади, икки мамлакат ўртасида бўлган музокаралар натижасида эришилган битим амалга оширилмай қолди. Мен бу масаланинг тарихини текшириб ўлтирмайман. Бу тўғрида комиссияда жуда кўп гапирилди. Масала матбуотда ёритилди, бу ҳар кимга ма'лум бўлса керак. Мен фақат фактни та'кидлаб ўтаман. Чехословакияда озчиликни ташкил қилган венгрлар тўғрисидаги тобора кескинлашаётган масала ҳал қилинмади. Демак, ҳозир олдимизда икки йўл турибди: ё бу ишнинг боришини ўз ҳолига ташлаб қўйиш, ўзимизни бу ишдан четлатиш, воқиаларнинг ривожланишини „laissezet faire, laissezet passer“ принципи қабилидан, я'ни русча айтганда, майли иш, ўз ҳолича бораберсин, буни худонинг ўзи тўғрилайди, бунинг бизга ҳечқандай алоқаси йўқ деб уни ўзибўларчиликка ташлаб қўйиш керак, ёки аксинча, бу ишга аралашиб, уни қўлга олиш ва бу масалани ҳал қилиш учун зўр бериб ҳаракат қилаётган мамлакатга ёрдам қилиш керак. Менинг фикримча, масалани шу тарзда қўйиб, ана шу икки хил истиқболни назарга олганда, бу ерда икки турли қарор бўлиши мумкин эмаслиги, масалани сўнгги усул блан ҳал қилгандагина ижобий натижага эришиш мумкинлиги равшан бўлиб қолади.

Чехословакия ҳукуматининг озчиликни ташкил қилган венгрларни ўз мамлакати тупроғидан кўчириб юборишни талаб қилиши учун қандай асослар бор ва умуман асос борми? Совет делегацияси бундай асос бор, деб ҳисоблайди. Биз бу асосларни тарихдан биламиз, Чехословакия делегациясининг вакиллари бу ерда бу асослар тўғрисида гапириб ўтдилар. Лекин мен бу ерда айтилган фактларни эсга олиш учун ҳарқандай Эстергазм ва бошқа шу каби жанобларнинг номини тилга олишга мажбур бўлмасам керак. Бу—комиссия ишида босиб ўтилган даврдир. Мен фақат шу фактни та'кидлаб ўта оламан. Чехословакия ҳукумати, ниҳоят Венгрия ҳукумати ўз халқининг фарзандларини ўз ерига кўчирсин, деб таклиф этади. Чехословакия ҳукумати бундай чорани кўришни таклиф этаркан, унинг келтирган далиллари диққатга сазовордир.

Бу далиллар нимадан иборат? Биринчидан, Чехословакия ҳукумати бундай да'во қилди: ўтмишда, Чехословакия бошидан Мюнхен фожиасини кечирган йилларда, озчиликни ташкил қилган венгр аҳолиси чехословак халқининг жаллодлари Генлейн ва Франк томонида туриб хунук роль ўйнади, Чехословакиянинг, Чехословакия давлатининг мустақиллигига, Чехословакиянинг озодлигига қарши бош кўтарди. Чехословакия ҳукумати бу тўғрида шубҳасиз фактлар келтиради. Бугун бу фактларни Клементис жаноблари яна такрорлади. Мен бекорга комиссия а'золарининг вақтини олишни истамайман, лекин агар Совет Иттифоқининг Ташқи ишлар министрлиги э'лон қилган ва Германиянинг Венгрияга нисбатан тутган сиёсати тўғрисидаги ҳужжатларни ўз ичига олган материалларга, қўшинларимиз Берлинда Риббентроп архивида қўлга туширган ҳужжатларга мурожаат қилсак, Венгриянинг ҳукмрон доираларида аслда қандай ҳаракатчи кучлар иш кўрганлиги, Венгриянинг Чехословакияга нисбатан тутган сиёсатини бу кучлар қандай йўл блан олиб борганлиги равшан бўлади. Бу тўпламдаги учинчи ҳужжатни кўрсатиш кифоя. Бу ҳужжатда Гитлернинг 1937 йил ноябрь ойида Венгрия ташқи ишлар министри фон Канья блан қилган суҳбати ёзилган. Бу ҳужжатдан қуйидагиларни ўқиш мумкин: «У (Гитлер), Венгрия сиёсий соҳада олиб бораётган ишларини турли томонга қаратмасдан, балки фақат бир йўлга, чунончи Чехословакияга қаратишни тавсия қилди. Фон Канья, Венгрия ҳам шундай фикрда, деб жавоб қайтарди».

Ана шу сўзлардан кейин, Чехословакия республикасининг ҳақли эканлиги аён бўлади. Бундан бир соат илгари комиссиямиз Венгрия блан тузиладиган сулҳ шартномаси лойиҳасига чегараларни қайтадан кўришни талаб қиладиган пропаганда юргизишни тақиқловчи 4-нчи модда қўшиш ҳақида қарор қабул қилди. Агар комиссия бундай тузатишни қабул қилган, бу тузатиш Венгрияга Чехословакия блан Венгрия ўртасидаги чегараларни қайтадан кўриш йўлида пропаганда юргизишни тақиқлаган ва бундай пропаганда учун Венгрияга мас'улият юклаган экан, бу нимани билдиради? Бу, Венгрия келгусида Чехословакия ерининг бир қисмини ажратиб олишни умид қилади деган сўз эмасми? Демак, Венгрияда ва Чехословакиядаги венгр аҳолиси ўртасида чегарани қайтадан кўриш йўлида интилишлар борлигини, биз бу ерда тинчликка, тинч муносабатларга хавф таҳдид қилаётганлигини кўрамиз. Лекин шу блан бирга бу—чегарани қайтадан белгилаш йўлидаги интилишлар жамоатчиликни доимо ўч олишга қутиртиш ҳолларини хавфли аҳвол туғдирганлигини ва унга чидаб туриш мумкин эмаслигини билдиради. Бу, ўз таклифини амалга оширишни зўр бериб талаб қилаётган Чехословакия ҳукуматининг келажакка тўғри қараганлигини кўрсатади.

Биз муҳокама қилаётган масала фақат Чехословакиянинггина эмас, балки Европа ва бутун дун'ёнинг осойишталиги ва хавфсизлигига ҳам доир масаладир. Чунки, Чехословакия Европанинг қоқ марказида жойлашган мамлакатдир.

Совет делегациясининг фикрича, Чехословакия ҳукумати, Венгриянинг тутган йўли халқаро тинчликка доимо хавф солади, деб та'кидлайди. Чехословакия ҳукуматининг бу фикри тўғридир. Венгрия ҳукуматининг Чехословакияга нисбатан тутган йўли Чехословакия блан Венгрия ўртасидаги муносабатлар тарихида тасодифий бир ҳол эмас. Буни инкор қилиб бўлмайди. Бундай йўлнинг бирқанча об'ектив сабаблари бор. Бу сабаблар бир томондан, эски Венгриядаги ҳукмрон доираларнинг герман империализми блан бўлган алоқаларидан, иккинчи томондан буюк венгр қироллиги деган беҳуда ғояни илгари сураётган бу доираларнинг милитаристик интилишларидан келиб чиқади.

Чегараларни қайтадан белгилаш ва ўч олиш ниятларидан қайтилмаганлиги, Венгриядаги та'сирли доираларнинг ҳатто сўнгги йиллардаги уруш ҳалокатидан ва мамлакат демократик асосда тузилганидан (демократик мамлакатни ҳар тарафлама табриклаш керак!) кейин ҳам, ана шу ниятлардан воз кечмаганлиги, Чехословакия ҳукуматини венгрларни Чехословакиядан кўчириш масаласини худди ана шундай қаттиқ қилиб қўйишга мажбур этган жиддий сабабларнинг биридир. Гап шундай кўчириш тўғрисида борадики, уни бу ерда «мажбурий тарзда» кўчириш деб айтдилар. Ўз хоҳиши блан кўчириш тўғрисидаги музокаралар натижа бермади. Дарҳақиқат, энди мажбурий тартибда кўчириш масаласи кўндаланг бўлиб қолади. Бу, албатта, жиддий чорадир, лекин у муқаррар амалга оширилиши керак бўлган чора кўринади. Бу чора воқиаларнинг боришини, Чехословакияда венгр аҳолиси блан бу мамлакатдаги жуда кўпчиликни ташкил қилган чехословаклар ўртасида юз берган муносабатлар натижасида пайдо бўлди. Бизга, бу чора Венгрия учун ҳалокатли бўлади. Венгрия ҳатто буни адолатли ва асосли деб топганида ҳам, бу вазифани уддалай олмайди, халок бўлади, дейдилар.

Ўйлашимча, бундай фикр нотўғри, жуда муболағали фикрдир. Бундай фикр Чехословакиядан 200 минг венгрни қабул қилиб олишдан қутилиш учун пропаганда мақсадларида тўқилгандир. Бундай муболағали фикр ҳали ҳам буюк венгр қироллиги яратиш тўғрисида ҳаёл қилаётган кишилар учун зарур бўлса керак.

Бу ерда рақамлар воситаси блан курашилаётир, бу курашда хилма-хил воситалардан фойдаланилмоқда. Чехословакия ҳукумати Венгрияга ўзининг статистика ма'лумотларини кўрсатади, Венгрия ҳукумати эса, Чехословакияга статистика ма'лумотларини кўрсатади, ҳар иккала ҳукумат ҳам тақдим этилган рақамларни қалбаки деб атайди. Мен бу рақамлар масаласини қандай ҳал қилиш кераклигини билмайман. Лекин агар бу низо'дан кўз юмиб, олдимизда турган вазифани та'кидласак, шуни айтиш керакки, гап 200 минг венгрни кўчириш устида боради. Венгрия ҳукумати, бу кишилар учун Венгрияда жой йўқ, дейди. Ҳақиқатан ҳам, бу кишилар учун жой борми, йўқми? Бир фактни олайлик— Германиянинг Америка оккупация қилган доирасига Венгриядан 500 минг немис кўчирилиши керак. Мен бу ерда Смит жанобларининг ҳозир бўлганлиги учун жуда хурсандман. У, Германияда ҳарбий вазифада ишлаганлиги сабабли, буни жуда яхши билади. Мана Германиядаги Контроль кенгаш тасдиқ қилган план. Бу планга биноан Венгриядан Германияга, Америка доирасига 500 минг немис кўчирилиши керак. Энди яна бир савол туғилади — агар ана шу 500 минг киши Венгриядан Германияга кўчирилса, Чехословакиядан кўчириладиган 200 минг венгр учун Венгрияда жой қоладими ё йўқми? Мен қолади, деб ўйлайман. Бу ерда шуни кўзда тутиш керакки, 1946 йил 1 сентябрьгача Венгриядан ана шу мен юқорида айтган план ҳисобига Германияга бори-йўғи 136.847 киши, я'ни планда мўлжалланган кишиларнинг 27.4 проценти кўчирилган. Бинобарин, агар немисларни Венгриядан кўчириш тўғрисида белгиланган план бажарилса, бу — уларнинг жойига Чехословакиядаги венгрларни кўчириб келтириш учун тўла имконият беради. Демак, Венгрия ҳукуматининг немислар ўрнига венгрларни қабул қилиб олиши учун ҳечқандай мони'лик йўқ. Ажабо, аҳвол шундай экан, Венгрия ҳукумати Чехословакия ҳукуматининг таклифига нима учун қаршилик қилади?

Бу ерда Сегеди жаноблари Венгрия делегацияси номидан гапириб, комиссияни Чехословакия ҳукумати тинчлик ғоясига хилоф таклиф киритди деб ишонтирмоқчи бўлди, сулҳ шартномаси оғир ва ўч оладиган бўлмаслиги, балки адолат руҳида тузилиши керак деди. У айтдики, Чехословакия ҳукуматининг таклифи Венгрияни Мюнхен учун жавобгар мамлакатга айлантиришга қаратилган. Бу э'тирозни ҳақиқатан ҳам жиддий деб бўладими? Йўқ, деб бўлмайди. Бундай э'тироз венгр аҳолисини Чехословакиядан олиб кетишни истамаслик, демак, уларни ҳарқандай қилиб бўлсада Чехословакияда қолдиришга уриниш натижасидир. Бизга венгрлар ер эгаллаб, уларни парвариш қилмоқда, ҳозир эса, ҳамма нарсани ташлаб, бошқа жойга кўчиб кетишлари керакми, дейдилар. Бу тўғридир. Бу осон иш эмас. Аммо шундай бўлиши муқаррар. Бу, провардида, адолатлидир. Агар Чехословакия ҳукумати, Венгрия ҳукумати Венгриядан 200 минг венгрни кўчирсин, деб талаб қилса, бу нотўғри бўлур эди. Лекин масала бошқача тарзда турипти. Масала Венгрия венгрларни ўзига қабул қилиб олсин деган тарзда турипти.

Менинг фикримча, бунга қарши келтирилаётган далиллар сун'ий далиллардир. Бу чорани «инсонпарварликка тўғри келмайдиган бир иш» дейдилар ва шундай тасвирлайдилар. Лекин Чехословакия ҳукуматининг таклифида гап нима устида бораётир? Чехословакия ҳукуматининг таклифида гап шу ҳақда бораётирки, биринчидан, бу масалани принцип жиҳатидан ҳал қилиш, я'ни Венгрия ҳукуматига сиз бу венгрларни кўчириб олишга мажбурсиз деб айтиш керак. Чехословакия ҳукумати ўз таклифида Венгрия ҳукумати блан тегишли битим тузиш мажбуриятини олажагини айтади. Бу битимга биноан аҳолини айрибошлаш тўғрисида 27 февральда тузилган битим шартларига мувофиқ венгр аҳолисининг шахсий ва мулкий ҳуқуқларига риоя қилинади. Буни эса, «зўрлик блан кўчириш» дейдилар.

Бунда Венгрия вакилининг айтганидек «инсонпарварликка тўғри келмайдиган» ҳечқандай бир нарса йўқ. Биз Чехословакия ҳукумати ўз ва'дасини бажаради деб ишонамиз. Бизга бу масалада шу нарса ҳам ишонч берадики, Клементис жаноблари ўз нутқини қуйидаги сўзлар блан тамомлади: «Мен,— деди у,— Чехословакия ҳукумати ва Чехословакия делегацияси номидан айтаманки, биз Париж конференцияси олдида, бутун дун'ё афкор оммаси олдида бу кўчиришни инсонпарварлик принципларига мувофиқ бўлган усуллар блан амалга ошириш мажбуриятини оламиз, бу принциплар Чехословакияни Ўрта Европадаги намунали бир ерга айлантиради».

Мен Люксембург саройи залида айтилган бу сўзларнинг қуруқ сўз эмаслигини биламан. Бу ҳол биз совет кишиларини ва совет делегациясини Чехословакия ҳукуматининг таклифини қувватлашга янада кўпроқ ундайди.

СУЛҲ КОНФЕРЕНЦИЯСИНИНГ КОМИССИЯЛАРИДА

ПАРИЖ, 21 сентябрь **(ТАСС махсус мухбиридан)**. Италияга доир сиёсий ва территория масалаларини кўручи комиссияда Бельгия ва Голландия делегацияларининг таклифи қизғин муҳокама қилинди. Бу делегациялар, Жанубий Тирольда немис тилида гапиручи аҳолига гарантия бериш ҳақида Австрия ва Италия ҳукуматлари ўртасида шу йил 5 сентябрьда тузилган битим сулҳ шартномасига киритилсин деб таклиф этдилар. Белоруссия вакили Киселёв бу битимни Италия блан тузиладиган сулҳ шартномаси текстига киритишга э'тироз билдириб, Австрия блан Италия ўртасида тузилган битимнинг сулҳ шартномасига ҳечқандай алоқаси йўқ, чунки бу битим Австрия блан Италиянинг ички ишларига таалуқлидир, деди. Бундан ташқари, бу битим Жанубий Тирольдаги озчиликни ташкил қилган миллатлар масаласини аслда ҳечқандай ҳал қилмайди.

Югославия вакили Беблер Киселев сўзини қувватлади.

Шундан кейин СССР делегацияси номидан Эстония ССР Ташқи ишлар министри Круус сўзга чиқди.

Г. Г. Круус сўзи

Бельгия ва Голландия делегацияларининг Италия блан тузиладиган сулҳ шартномасига Жанубий Тирольдаги немис тилида гапиручи аҳолига гарантия бериш тўғрисида шу йил 5 сентябрьда Италия блан Австрия ҳукуматлари ўртасида тузилган битимни киритиш ҳақида совет делегацияси қуйидагиларни айтишни зарур деб ҳисоблайди:

Бельгия ва Голландия делегацияларининг таклифи Жанубий Тирольнинг немис тилида гапиручи аҳоли нуқтаий назаридан жуда муҳим аҳамиятга эга бўлган масалага таалуқлидир, албатта. Лекин, бу Италия блан тузиладиган сулҳ шартномасига ҳечқандай алоқаси бўлмаган таклифдир.

Сулҳ конференциясининг вазифаси Бирлашган миллатлар блан Германиянинг илгариги шериклари ўртасида тузиладиган сулҳ шартномалари лойиҳаларини муҳокама қилишдан иборатдир. Бу сулҳ шартномалари, бир томондан, Бирлашган миллатлар, иккинчи томондан, тегишли мамлакат ўртасидаги ҳар хил муносабатларни тартибга солиш блан шуғулланмоғи керак.

Австрия блан Италия ўртасидаги битим эса, бу вазифалар доирасидан чиқиб кетади.

Бу — уруш вақтида бир лагерьда турган икки давлат ўртасида тузилган битим бўлиб, унинг, Бирлашган миллатлар блан Италия ўртасида тузиладиган сулҳ шартномасига киритилиши мумкин эмас. Сулҳ конференцияси бу битимни рўйхатга олучи ёки бошқа шунингдек, шартномаларни рўйхатга олиб туручи бўлиб қололмайди. Бу блан конференция ўз ҳуқуқларидан ташқари чиқиб кетган бўлур эди. Министрлар кенгаши Италия блан тузиладиган сулҳ шартномаси лойиҳасида 10-нчи моддани қабул қилди. Бу моддага биноан, Италия Австрия блан битим тузади, бу битим Шлезвиг блан Шарқий Тироль ўртасида мони'сиз йўловчилар ва юк ташилишини та'мин қилади. Италия блан тузиладиган сулҳ шартномаси лойиҳасида Австрияга таалуқли масала шу блан тамом бўлади.

Австрия блан Италия ўртасида шу йил 5 сентябрьда тузилган битимнинг бу моддага алоқаси йўқ. Бу битим ўз мазмуни жиҳатидан мазкур моддага ва бу моддада қўйилган вазифаларга ҳеч қандай алоқаси бўлмаган бутунлай янги бир нарсадир.

Шу сабабдан, совет делегацияси Бельгия ва Голландия таклифини рад этиш керак, деб ҳисоблайди.

Бунинг устига совет делегацияси бу таклиф муносабати блан унинг моҳияти тўғрисида ўз фикрини айтади.

Жанубий Тирольнинг немис тилида гапиручи аҳолиси Италияда озчиликни ташкил қилган миллат ҳисобланади. Озчиликни ташкил қилган бу аҳолини шу мамлакатдаги фашист ҳукумати эзиб ва жабрлаб келди. Гитлер блан Муссолини ўртасида 1939 йилда тузилган машъум битим туфайли, Жанубий Тирольдан бу аҳолини ҳайдаш яна каттароқ кўламда олиб борилиши мумкин эди.

Озчиликни ташкил қилган бу аҳолининг тақдири, унинг тарихи шуни кўрсатадики, тескаричи давлат ҳокимияти ўз моҳияти бўйича озчиликни ташкил қилган миллатларни эзучи ҳокимиятдир.

Совет давлати ўзи пайдо бўлган кундан бошлаб совет миллий сиёсатининг юксак принципларига таяниб, миллий масалани тўғри ҳал қилишга ғоят катта аҳамият берди. Совет давлати бу масалани ҳал этиб, ўзидаги жуда кўп миллатларни тамомила мамнун қилди ва халқларнинг улуғ дўстлиги асосида уларнинг миллий манфаатларини тўла та'минлаш учун шароит яратди. Совет давлати ўз мамлакатидаги халқларга ўз миллий маданиятларини ва турмушларини ҳартарафлама ривожлантириш учун бутун шароитни яратиб берди.

Бу соҳадаги кўп мисоллардан бири сифатида мен эстон халқининг аҳволини кўрсатаман. Мен эстон халқининг фарзандиман. Эстония Совет Социалистик Республикаси совет ҳокимияти йилларида ўз иқтисодий ва маданий тараққиёти соҳасида ғоят катта муваффақиятларга эришди. Бу жиҳатдан, Эстония ленинча-сталинча доно совет миллий сиёсатидан тамомила миннатдордир. Ленинча-сталинча миллий сиёсат эстон халқининг миллий маданиятини гуллатишни ва эстон халқининг барча ма'навий ижодий кучларини ривожлантиришни та'минлади.

Халқаро муносабатларда совет ҳокимияти ҳамиша мазлум миллатларни ва озчиликни ташкил қилган миллатларнинг ҳуқуқларини ёқлайди.

Совет ҳокимияти Жанубий Тирольдаги озчиликни ташкил қилган миллат тўғрисида ҳам шунга амал қилади. Совет делегациясининг Жанубий Тирольдаги озчиликни ташкил қилган миллатга хайрихоҳлик қилганлиги равшандир.

Энди Австрия блан Италия ўртасида шу йил 5 сентябрьда тузилган битимга келганда эса, совет делегацияси Жанубий Тирольда немис тилида гапиручи ва озчиликни ташкил қилган миллатларнинг ҳуқуқлари масаласини ҳал этишда бу битимни қониқарсиз, деб ҳисоблайди.

Бу битимда немис аҳолисининг ба'зи миллий масалалари — немис тилининг ба'зи ҳуқуқлари, маҳаллий идораларда амалдорлар мансабини тақсимлаш ва бошқа шу каби масалаларгина юзаки ҳал этилади. Битимда немис аҳолисининг кенг ва чуқур миллий ҳуқуқлари, шунингдек уларнинг амалга оширилишига доир иқтисодий асослар мутлақо кўрсатилмаган. Ҳолбуки, бу шартлар жуда муҳим бўлиб, улар учун мазкур битимнинг ҳеч қандай аҳамияти йўқ.

(ДАВОМИ ТУРТИНЧИ БЕТДА)

Париж Сулҳ Конференциясида

(БОШИ УЧИНЧИ БЕТДА)

1939 йилда Гитлер блан Муссолини ўртасида тузилган битим Жанубий Тирольда немис тилида гапирувчи аҳолининг турмушига жуда ёмон та'сир қилган эди. 5 сентябрьда тузилган битимда Гитлер блан Муссолини тузган битим ҳақида умумий сўзлар блан чекланилган, Италия ҳукумати фашист Италияси блан гитлерчилар Германияси ўртасида тузилган битимдан келиб чиқадиган масалани, я'ни аҳолини кўчириш масаласини «адолат руҳида» қайтадан кўриб чиқади дейилган, халос. Бу баёнот нуқул тантанали бир ва'дадан иборат. Уни амалга ошириш учун ҳечқандай конкрет чора мўлжалланмаган.

Австрия блан Италия ўртасида 5 сентябрьда тузилган битимга баҳо бериш учун шу нарса жуда муҳимки, уни амалга ошириш кенг демократик асосда эмас, балки ма'мурлар мўлжаллаган тор доирадаги кишиларнинг манфаатларини ва қарашларини назарга олиб ўтказилади. Бу жиҳатдан, Австрия ташқи ишлар министри Грубернинг кеча Парижда чиқадиган «Монд» газетасида босилган суҳбатида айтган сўзлари э'тиборни жалб қилади. Министр Грубер бундай дейди: «Плебисцит (умумий овозга қўйиш) бўлмайди; Тироль вакиллари деб ҳисобланган кишилар блан музокаралар олиб борилади». Бу — тегишли даражада рўйрост айтилган гап. Совет делегациясининг фикрича, бу Австрия блан Италия ўртасидаги мазкур битим учун яхши тавсиянома бўлолмайди.

Италия блан Австрия ўртасидаги битим ҳақида яна шуни айтиш керакки, унда мўлжалланган автоном областьнинг чегаралари масаласи очиқ қолдирилган. Шу блан немис аҳолиси истаган автономияни мумкин қадар кичрайтириш, ҳатто уни йўқ қилиб юбориш учун йўл очиб берилган.

Австрия — Италия битимини Италия блан тузиладиган сулҳ шартномасига киритиш—бу битим Жанубий Тирольда немис тилида гапирувчи миллатларнинг ҳуқуқлари масаласини бирмунча даражада ҳал этади, деган номақул ва ҳатто зарарли фикрни туғдирар эди. Амалда эса, битим бундай эмас.

Шу сабабдан, Совет делегацияси моҳият жиҳатидан ҳам Австрия—Италия битимини Италия блан тузиладиган сулҳ шартномасига киритишга қаршидир.

Белоруссия, Югославия ва СССР вакиллари келтирган аниқ, шубҳасиз далилларга қарамай, комиссиянинг бирқанча а'золари, жумладан Австралия, Янги Зеландия, Бельгия ва Голландия вакиллари Жанубий Тироль тўғрисида Австрия блан Италия ўртасида тузилган битим шартнома текстига киритилсин, деб талаб қилишни давом эттирдилар.

Бельгия ва Голландия делегацияларининг таклифи учун 13 вакил овоз берди. СССР, Югославия, Белоруссия, Польша, Чехословакия, Украина делегациялари бу таклифга қарши овоз бердилар. Ҳабашистон вакили бетараф қолди.

* * *

Румония, Булғория, Венгрия ва Финляндияга доир иқтисодий масалаларни кўрувчи комиссия Буюк Британия делегациясининг Румония нефтига доир таклифларини бирнеча кун муҳокама қилди. Бундан илгари хабар берилганича, бу таклифлар Румониянинг ички ишларига аралашишга уринишдан иборатдир. Бу таклифлар Румониянинг нефть саноатини чет эл саноати уюшмаларига қарам қилиб қўйишни кўзда тутади.

Кеча Буюк Британия вакили ўз таклифидаги саккиз моддадан тўрттасини қайтиб олди.

Бугун узоқ давом этган мунозаралардан кейин комиссия Британия таклифининг қолган тўрт моддасини овозга қўйди. Буюк Британия таклифининг дастлабки уч моддаси озгина (фақат бир овоз) кўпчилик олди. Тўртинчи моддани овозга қўйган вақтда овозлар баравар келди.

Тартибот қоидаларига мувофиқ, баравар овоз олган (я'ни ёқлаб ва қарши овоз берган кишиларнинг сони тенг бўлган) таклиф қабул қилинмади, деб ҳисобланади.

Масала тамомила равшандек кўринади. Броқ, Буюк Британия делегацияси комиссия а'золарининг кўпчилиги ма'қулламаган бу таклифни ўтказишга уринди. Британиянинг «шериги» бўлган делегациялар уни қўллади. Британия таклифининг тарафдорлари яна бир марта овозга қўйишни илтимос қилдилар, лекин бу уриниш муваффақият қозона олмади.

Крайова Рада Народованинг XI сессиясида Польшани иқтисодий жиҳатдан тиклаш плани тўғрисида Минц доклади

ВАРШАВА, 22 сентябрь (ТАСС). Кеча, Крайова Рада Народова сессиясининг эрталабки мажлисида Польша министрлар совети ҳузуридаги иқтисодий комитет раиси Минц 1946—1949 йиллар мобайнида Польшани иқтисодий жиҳатдан тиклаш плани тўғрисида доклад қилди.

Минц айтдики, сессия муҳокамасига тақдим этилган план Польшада демократик ҳукумат томонидан амалга оширилган ғоят катта иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотларнинг бевосита натижасидир.

Мамлакатдаги иқтисодий идоралар, — деди докладчи, — планлаш соҳасида анча катта тажрибага эга бўлдилар, бу тажриба ўз натижаларини берди. 1945 йилнинг тўртинчи кварталида 7.400 минг тонна тошкўмир чиқариш мўлжалланган эди. Ҳақиқатда 8.900 минг тонна кўмир чиқарилди. Ўтган йилнинг тўртинчи кварталида пўлат эритиш плани 101 процент бажарилган бўлса, 1946 йилнинг I кварталида 117 процент, иккинчи кварталида 116 процент бажарилди. 1946 йилнинг биринчи кварталида газлама чиқариш плани 101 процент, иккинчи кварталида 93,8 процент бажарилди. 1946 йилнинг биринчи кварталида қишлоқ хўжалик машиналари чиқариш плани 114 процент, иккинчи кварталида 119 процент адо этилди.

Планда 1945 йилнинг сентябрь ойидан бошлаб 1946 йилнинг сентябрь ойигача ғарбий вилоятларга 150 минг саноат ишчисини кўчириш мўлжалланган эди. Ҳақиқатда 11 ой ичида 147 минг ишчи кўчирилди.

Минц қуйидагиларни айтди: ҳозирги Польшанинг экономикаси урушда ғоят кўп зарар кўрди. Бу зарарлар жуда кам ҳисоблаганда урушдан аввалги баҳоларда 100 миллиард злотийни ташкил этади. Лекин шунга қарамай, 1946 йилдаёқ қишлоқ хўжалик маҳсулоти урушдан аввалдагига нисбатан 40 процентга етди; саноат 70 процентга, халқ даромади 50 процентга етди. Буларнинг ҳаммасига поляк халқининг зўр ғайрат ва ҳиммати орқасида эришилди.

Минц Польшани иқтисодий жиҳатдан тиклаш плани вазифалари ҳақида гапириб айтдики, бу планни тузувчилар вайрон бўлган саноатни ва қишлоқ хўжалигини тиклаш, шунингдек меҳнаткашларнинг моддий аҳволини яхшилаш вазифасига кўпроқ э'тибор қилдилар.

1949 йилда қишлоқ хўжалик маҳсулоти урушдан аввалдагига нисбатан 110 процентни ташкил этиши керак. Планда аҳолига бериладиган озиқ-овқатнинг калориясини ҳозирги кундагига нисбатан икки ҳисса ошириш кўзда тутилади.

Биз, — дейди Минц, — ғарбий вилоятларда металлургия заводлари, тошкўмир шахталари, электр станциялар ва бошқа саноат тармоқларидан иборат катта саноат базасига эга бўлдик. Буларнинг ҳаммаси саноатимизни тез ривожлантириш ва мамлакатимизни деҳқончилик-саноат мамлакатидан саноат-қишлоқ хўжалиги мамлакатига айлантириш учун қулай шароит вужудга келтиради. Сўнгра, Минц айтдики, 1949 йилнинг охирида чиқариладиган пўлат урушдан аввалдагига нисбатан 139 процентни, саноат маҳсулоти 144 процентни, қишлоқ хўжалик машинасозлиги маҳсулоти 282 процентни, тайёрланадиган сун'ий ўғитлар 160 процентни ташкил этади. 1946 йилда 46 миллион тонна тошкўмир чиқарилса, 1949 йилда 80 миллион тоннача кўмир чиқарилади. Мамлакатимизда биринчи марта трактор ва юк автомашиналари чиқарилади. Ишлаб чиқариш воситалари кўпроқ тайёрланади.

Минц ғарбий вилоятларнинг Польша экономикаси учун ғоят катта аҳамиятга эга эканини та'кидлаб, Польша ғарбий вилоятларсиз иқтисодий жиҳатдан мустақил бўлолмайди, деди.

Минц яқин 3 йил ичида учта катта тошкўмир шахтаси, синтетик (сун'ий) бензин заводи, ҳарбири бир кечаю-кундузда 600 тонна маҳсулот берадиган иккита домна печини қуриш, шунингдек босмахона машиналари, қоғоз фабрикалари учун керакли машиналар ва шу сингариларни ишлаб чиқарадиган заводлар қуриш мўлжалланганлигини уқдириб ўтди.

Планда кўрсатилишича, 1949 йилда миллий даромад урушдан илгаридагига нисбатан 110 процентни ташкил этади. Планга мувофиқ, халқ хўжалигига чиқариладиган маблағ миллий даромаднинг қарийб 20 процентидан иборат бўлади.

Минц докладидан кейин, марказий планлаш идорасининг раиси Бобровский ва молия министри Домбровский яқин уч йил ичида Польшани иқтисодий жиҳатдан тиклаш тўғрисида қўшимча доклад қилдилар. Сессиянинг кечки мажлисида докладлар юзасидан қизғин музокара бошланди.

Крайова Рада Народова сессиясининг кечаги мажлисида депутат Вижиковский молия-бюджет тўғрисида қилган докладида ҳукуматнинг молия сиёсати соҳасида анча катта муваффақиятларга эришганлигини айтди. Вижиковский бундай деди: Молия министрининг энг катта хизматларидан бири шуки, у валюта сиёсатини моҳирлик блан амалга оширди. Бунинг натижасида, мамлакат халқ хўжалиги қийинчилик кўрган бўлса ҳам пулнинг қадрсизланишига йўл қўймади. Польша халқ банкининг матбуотда э'лон қилинган балансига қараганда, 44 миллиард злотих пул чиқарилган. Аммо, бу маблағнинг тахминан 70 процента саноатга сарф қилинган.

Вижиковский доклади юзасидан қизғин музокара бошланди. Молия министри Домбровский кейинги беш ой ичида меҳнаткашлар оммасининг аҳволини яхшилаш соҳасида ҳукуматнинг анча катта муваффақиятларга эришганлигини та'кидлади. Иш ҳақи ва пенсиялар миқдори кўпайтирилди, ғарбий вилоятлардаги ерлардан фойдаланиш учун кўп маблағ сарф қилинди ва ҳоказо. Ҳазина даромадлари, — деди Домбровский, — шу йилнинг январида 2.586 миллион злотих бўлса, август ойида 5 миллиард злотихгача кўпайди.

Музокаралар ва молия министри Домбровскийнинг сўнгги сўзидан кейин, Крайова Рада Народова 1946 йил бюджетини ва халқ хўжалигига чиқариладиган маблағ планини бир оғиздан тасдиқлади.

Японияга доир масалалар блан шуғулланувчи иттифоқ кенгашининг мажлиси

ТОКИО, 18 сентябрь (ТАСС). 18 сентябрьда Токиода Японияга доир масалалар блан шуғулланувчи иттифоқ кенгашининг мажлиси бўлди.

Мажлисда тошкўмир шахталари ва тошкўмир саноатига маблағ чиқариш сиёсати тўғрисидаги масала муҳокама қилинди. Англия вакили Болл: менинг фикримча, асосий масала тошкўмир чиқаришни кўпайтириш йўлларини топишдан иборатдир, деди. Бу мақсадга эришиш йўлидаги воситаларнинг бири «дзайбацу»га (я'ни япон концернларига) қарашли ҳамда Япониядаги барча тошкўмир шахталарининг учдан икки қисмини ташкил этган тошкўмир шахталарини давлат ихтиёрига олишдан иборат. Болл ана шу тошкўмир шахталари уч йил муддат блан давлат ихтиёрига олинсин ва ана шу давр мобайнида мазкур шахталарнинг эгаларига тегишли ҳақ тўлансин, деб таклиф қилди. Хитой вакили Чжу Шимин ҳам тошкўмир шахталарини давлат ихтиёрига олиш—Японияда тошкўмир чиқаришни кўпайтириш учун яхши йўлдир, деган фикрни билдирди. Унинг айтишича, ана шу шахталарда чиқарилаётган кўмир белгиланган планга нисбатан 50 процентча камайган.

Японияга доир масалалар блан шуғулланувчи иттифоқ кенгаши бу масаланинг муҳокамасини келгуси мажлисга кўчиришга қарор қилди.

Кенгаш мажлисида муҳокама қилинган иккинчи масала—Япония ҳукумати ҳузуридаги ҳарбий хизматдан бўшатиш бюросининг ишлари тўғрисидаги масала эди. Мажлис раиси Атчесон бу масала тўғрисида гапирди.

Шундан кейин кенгаш Япония қуроллари ва ҳарбий материалларини тугатиш ишлари қандай бораётганлиги ҳақидаги масалани муҳокама қилишга киришди. Японияга доир масалаларни кўрувчи иттифоқ кенгашидаги совет вакили генерал Деревянко бу масалани рўзномага қўйган эди. Бу масала юзасидан сўзга чиққан раис Атчесон айтдики, «иттифоқчиларнинг оккупация қўшинлари японларнинг қурол ва ҳарбий материалларини қабул қилиб олдилар. Музейлар ва ёдгорликка қолдириш учун зарур бўлган миқдордаги озгина қуроллардан ташқари ҳамма қуроллар ишдан чиқарилди ёки йўқ қилинди. Сўнгра, Атчесон Япониянинг қуроллари ва ҳарбий материаллари қандай тугатилаётганлигига доир ба'зи рақамларни келтирди.

Совет вакили генерал Деревянко тинч давр мақсадлари учун фойдаланиш юзасидан япон ҳарбий-денгиз базаларининг қайтадан ускуналанаётганлиги тўғрисида савол берди. Генерал Деревянко японларнинг қанча ҳарбий кемаси йўқ қилинди ва тинч давр мақсадлари учун фойдаланиш юзасидан Япония ҳукуматига қанча ҳарбий кема топширилди, деб сўради.

Атчесон аниқ жавоб беришга унамади. У гўё, Совет Иттифоқи томонидан япон қуролли кучларидан олинган қуроллар ҳақида ма'лумот топшириш тўғрисидаги илтимосимга совет ма'мурлари жавоб бермаганликлари учун, мен ҳам бу саволга жавоб бермайман, деди. «Ана шу ма'лумотлар бўлмаса,—деди Атчесон,—бу масалани тўла равишда тасвирлаб беришга қийналамиз».

Генерал Деревянко Атчесоннинг да'воларига жавоб қайтариб айтдики, Совет информация бюроси ўтган йил 12 сентябрь ахборотида Америка вакилининг ана шу саволларига жавоб қайтарган эди. Генерал Деревянко сўзининг охирида Атчесоннинг мулоҳазаларидан қаноат ҳосил қилмадим, деб та'кидлади ва бу масала юзасидан қўшимча ва батафсил ма'лумотлар беришни штабдан сўрашга мажбурман, деди. Бу ма'лумотлар бўлмаса, ана шу масала юзасидан иттифоқчи давлатлар олий қўмондонлигига тавсияномалар беролмаслигини айтди.

Америкада умум славян конгрессининг учинчи қурултойи

НЬЮ-ЙОРК, 20 сентябрь (ТАСС). (Кечикиб олинди). 20 сентябрьда бу ерда «Америкадаги бутун славянлар конгресси»нинг қурултойи очилди. Бу қурултой уч кун давом этади. «Тинчликни ҳимоя қилмоқ учун бирлашайлик» деган шиор остида ўтаётган бу қурултойда 2 мингдан ортиқ вакил қатнашмоқда.

Қурултойнинг биринчи кунги мажлисида конгресс раиси Кржицкий, конгресс секретари Пиринский, Миссури штатининг судьяси Бабан, Нью-Йорк маҳаллий шаҳар идорасининг маслаҳатчиси республикачи Исаакс ва машҳур ёзувчи Адамич нутқ сўзладилар. Барча нотиқлар Ялта ва Потсдамда қабул қилинган қарорларга мувофиқ, умумий тинчликни сақлаш учун славян халқлари бирлигини уюштириш зарурлигини та'кидладилар.

Конгресс раиси Кржицкий қурултойни очиш маҳалида сўзлаган нутқида бундай деди: «Буюк америка халқи блан Европанинг қаҳрамон славян халқлари ўртасидаги бирлик ва дўстлик масаласи жуда катта аҳамиятга эгадир, чунки бутун инсониятнинг истиқболи шунга боғлиқдир».

Америкадаги славянларнинг урушда қозонилган ғалабада қилган хизматларини та'кидлаб ва гитлеризмга қарши курашда славян халқларининг ўйнаган ролига юксак баҳо бериб, Кржицкий бундай деди: «Ҳозирги кунда биз янги уруш хавфи кучайган оғир ва машаққатли бир шароитда яшамоқдамиз. Қўшма Штатлар, Англиядаги ва бошқа мамлакатлардаги ба'зи кучлар яна Мюнхен сиёсати йўлига ўтаётган бўлсалар керак. Рузвельтнинг сиёсати Қўшма Штатларни бошқа иттифоқчилар блан бирга ғалабага олиб келган эди, ҳозир бу сиёсатдан қайта бошладилар, бу сиёсат ўрнига атом дипломатияси сиёсатдан иборат ҳалокатли сиёсатни амалга оширмоқдаларки, бу сиёсат фақат атом урушигагина сабаб бўлиши мумкин. Бунга шубҳа қиладиган кишилар қуйидаги фактларни ўйлаб кўришлари керак: америка базалари ер юзининг ҳамма қисмига тарқалган, бу базалар тобора кенгайтирилмоқда, кучайтирилмоқда ва мустаҳкамланмоқда; дун'ёдаги мамлакатларнинг 53 тасида Американинг жуда кўп аскарлари бор, ана шу мамлакатларнинг кўпчилиги бизнинг иттифоқчиларимиздир. Америка саноати атом бомбасини тўхтовсиз, жадаллик блан ишлаб чиқармоқда; армия ва флотга чиқариладиган маблағлар бутун миллий бюджетимизнинг ярмидан кўпроғини ташкил этади; мавжуд маблағларнинг ярмидан кўпроғи уй, касалхона, мактаблар қуриш ёки уруш ветеранларига ёрдам бериш учун эмас, балки асосан кемалар, аэропланлар ва авиация базалари қуриш учун сарф қилинмоқда.

Армия ва флот эҳтиёжлари учун чиқарилган маблағ бирнеча миллиард доллар миқдорида кўпайтирилади, деб расмий суратда гапирмоқдалар. Қўшма Штатларнинг ана шундай ҳарбий тайёргарликлари бошқа халқларда ишончсизлик туғдириши мумкин. Бу ҳол табиийдир. Биз шундай савол берамиз: қиличини ялонғочлаш нима учун керак? Ҳаддан ташқари кўп ҳарбий кучимизни янада кўпайтириш мақсадида жадаллик блан қилинаётган бундай ишларга эҳтиёж борми? Бу саволларга бериладиган жавоб равшан. Бу жавоб шундан иборатки, ҳарбий тайёргарлик тинчлик учун эмас, балки уруш учун қурилмоқда».

Кржицкий Рузвельтнинг 1944 йилда реакция томонидан хавф бор, деб Қўшма Штатларни огоҳлантирганлигини та'кидлаб айтдики, Америка Қўшма Штатлари Рузвельтнинг ички сиёсатидан воз кечдилар, деди. Кржицкий айтдики, уруш тамом бўлгандан кейин халқнинг моддий аҳволи оғирлашди; қимматчилик бўлганлиги учун долларнинг баҳоси тушиб кетди. Кржицкий, хабар беришларига қараганда, Америкадаги 43 корпорациянинг ҳарбири 1 миллиарддан тортиб 7 миллиард долларгача капитал ва мулкларга эгадир деб алоҳида та'кидлади. Мамлакатда негрлар оломон ва террор қилинмоқда, Ку-Клукс-Клан ва бошқа маҳаллий фашист гуруҳлари тикланмоқда, уруш ветеранлари учун уй-жой қурилиши ўз ҳолига ташлаб қўйилган, йирик корхона эгалари ишчилар ҳаракатига қарши курашмоқдалар ва ҳоказо. Америка халқи ҳукуматнинг мамлакат ичкарисида амалга ошираётган шундай сиёсатидан ҳақли суратда қаттиқ ташвишланмоқда. «Агар Рузвельт қабридан тирилиб чиқиб, ташқи сиёсат соҳасида Мюнхен йўлидан бораётган ва раҳбарликни «ўнг реакция» ихтиёрига топшираётган (Рузвельт ана шу реакциядан эҳтиёт бўлинглар деб, огоҳлантирган эди) Американи кўздан кечирганида эди, у шу минбарга чиқиб, сизларни ўз сиёсатини бутун куч блан ҳимоя қилиш учун да'ват қилган бўлур эди. Рузвельт 1944 йилда ўз программасида сайланган бу ҳукуматдан уч давлат бирлиги сиёсатига қайтиш ва Рузвельтнинг ҳуқуқлар тўғрисидаги иқтисодий қоидасини амалга ошириш учун кураш олиб боришни талаб қилингиз деб айтган бўлур эди. Фақат бунга жавоб берилиши мумкин. У ҳам бўлса шундан иборатки, Америка халқи ўз кучини сафарбар қилиши керак. Бизлар сенатор Пеппер ва илгариги савдо министри Уоллес ҳаракатларидан руҳланишимиз лозим. Бу икки арбоб кўп йиллар давомида Рузвельт сиёсатини қувватлаб келди ва ҳозирги кунда ҳам бу сиёсатнинг содиқ ҳимоячиларидир. Булар Қўшма Штатлар ҳукуматларининг раҳбарларига Америка Қўшма Штатлари хавфли йўлга кирмоқда ва бу йўлни ўзгартириш керак, деб айтишлари енгил иш эмас. Америка халқи уларнинг шундай дадил ҳаракатларини қўллаб-қувватлашлари керак».

Кржицкий алоҳида та'кидлаб айтдики, Америкадаги миллионларча славянлар Америка Қўшма Штатларида турмуш шароитини яхшилаш учун ишчилар ҳаракати блан ва демократик руҳдаги барча американлар блан бирлашишлари керак. Халқ манфаатларига хиёнат қилмайдиган кишиларни конгрессга сайлаш учун ноябрь ойидаги сайловларда актив қатнашишлари лозим.

Кржицкий бутун жаҳон касаба союзлари уюшмасининг тузилишини ёқлади ва айтдики, Америка касаба союзларининг бу уюшмада иштирок қилиши «халқимиз мустаҳкам тинчлик ва хавфсизликнинг асосий негизи бўлган мустаҳкам бирлик ва дўстликка эришиш йўлларини топа олишини кўрсатади». Кржицкий бундай деди: «агар биз ана шу кризиснинг олдини олиш учун ўзимизни аскарлар каби сафарбар қилсак», Америкадаги славянлар тобора кучаяётган атом уруши хавфининг олдини олишлари мумкин. «Тинчлик Америка халқи кўпчилигининг асл орзуси эканлигини биламиз. Мен беш ой славян мамлакатларда бўлдим. Бу мамлакатларда ҳукумат раҳбарлари блангина эмас, балки халқ блан ҳам сўзлашдим. Мен қат'ий суратда шуни айта оламанки, тинчлик уларнинг ҳам асл орзусидир. Совет Иттифоқи, Польша, Югославия, Чехословакия ва Булғория халқлари чин қалб ва идрок блан тинчлик истаётганликларини биламан».

Кржицкий айтдики, яқинда Европадаги славян мамлакатларга борганимда «ҳарбир славян мамлакатида нацистлар ва фашистларнинг бекордан-бекорга вайрон қилган жойларининг харобаларини кўриб жуда хафа бўлдим». «Аммо, — деди у, — мен бу мамлакатлардан хафа бўлиб эмас, балки ишонч блан жўнаб кетдим, чунки бу мамлакатларнинг халқлари демократик асосдаги истиқболларига, мустаҳкам эркинлик асосларига таянган, турмушларига буюк умид блан қарамоқдалар. Харобазорлар бўлишига қарамай, шаҳар ва қишлоқларда янги ҳаёт ва янги умидлар пайдо бўлмоқда. Халқлар вайрон қилинган хўжаликларини тиклаш учун зўр ғайрат ва ҳиммат блан ишламоқдалар. Уларнинг американлар блан дўстликни астойдил мустаҳкамлаш ва бир-бирларининг фикрини англаш йўлидаги истаклари менда кучли та'сир қолдирди. Улар уруш вақтида, бизларнинг иттифоқчиларимиз бўлгани каби тинчликни барпо қилишда ҳам содиқ дўстларимиз бўла оладилар. Мен бунга ишонаман. Бу мамлакатлардан қайтганимда менда шундай маҳкам ишонч пайдо бўлдики, Америка халқи славян халқлари блан дўст ва ҳамкор бўлиб яшаса, дун'ёда тинчлик ва хавфсизлик бўлиши мумкин».

Кржицкий сўзининг охирида бундай деди: «Конгресс Американи Рузвельт йўлига, уч давлат ўртасидаги бирлик йўлига, оддий кишиларни иқтисодий аҳволини яхшилаш ва тинчлик йўлига қайтариш учун ўзининг бутун та'сиридан фойдаланажак. Мен бунга ишонаман».

Уоллес конгрессга юборган табригида конгресс раиси Кржицкийга қуйидагиларни ёзади: «Қурултойингизнинг мақсади менинг дилимга жуда яқиндир. Славян халқлари блан Америка халқлари ўртасидаги дўстлик тинчлик учун жуда катта аҳамиятга эгадир».

Конгресс секретари Пиринский матбуот вакилларига қилган баёнотида давлат департаментининг Югославия делегацияси а'золарига Америкага келиш учун рухсат бермаганлигини танқид қилди. Югославия делегациясининг а'золари қурултойда қардош халқ вакиллари сифатида қатнашишлари керак эди.

Инглиз-Совет жамиятининг СССРга келиб кетган делегацияси а'золарининг сўзлари

ЛОНДОН. 18 сентябрь (ТАСС). 17 сентябрьда Вестминистердаги Сентрал-холда 2 мингга яқин киши Инглиз — Совет дўстлиги жамиятининг яқинда Совет Иттифоқидан қайтиб келган делегациясининг докладини эшитиш учун тўпланди. Булар орасида Инглиз—Совет дўстлиги жамиятининг Лондондаги ҳамма районлар ва шаҳар атрофидаги районлар бўлимларининг вакиллари, касаба союз ва кооператив ташкилотларининг вакиллари ҳамда бошқа кишилар бор эди.

Делегация а'зоси Стэнли Эванс ўз нутқида Совет Иттифоқи составидаги бешта иттифоқчи республика тўғрисида, я'ни Латвия, Грузия, Арманистон, Украина ва РСФСР ҳақида гапирди. Сара Уэскер совет хотин-қизлари тўғрисида, Режиналд Бишоп СССРдаги турмуш ҳақида, Том Браун совет касаба союзлари тўғрисида сўзлади ва ҳоказо.

Митингда епископ Челмсфордский раислик қилди.

Стэнли Эванс ўз сўзида СССРдаги турмуш шароити ва делегация бориб кўрган совет республикаларида шу кунларда қилинаётган тиклаш ишлари ҳақида қисқача тўхталиб ўтди. Жумладан у, католиклар матбуотининг Латвия ССРда католик руҳонийлари «та'қиб этилмоқда» деб тарқатган ёлғон хабарларини рад этди.

Эванс Арманистон ССР тўғрисида гапириб айтдики, бу республика аҳолисининг қарийб бешдан бир қисмини мактабларда ўқиётган ёшлар ташкил этади деб делегацияга ма'лумот берганларида, делегация қойил қолди. Совет Арманистонида ёши катталар сони кўп эмас, чунки биринчи жаҳон уруши ва мутаҳала даврида турклар кўп арманларни ўлдирган эдилар. Шу сабабдан, Арманистон халқининг ҳозирги вақтда турклар қўлида бўлган арман ерларига иштиёқманд эканлигини тушуниш қийин эмас. Эванс бундай деди: Қарс ва Ардаганни Арманистон ССРга топшириш тўғрисидаги талаб реал ва ҳаётий талабдир. Биз бу талабга муносиб баҳо берсак, тўғри иш қилган бўламиз.

Сара Уэскер Совет Иттифоқи саноатида, мамлакатнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳаётида совет хотин-қизларининг ўйнаган роли ҳақида гапирди. У айтдики, Совет Иттифоқидаги хотин-қизлар ҳаётининг ҳамма соҳаларида—ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий соҳада эркаклар блан тенг ҳуқуқлидирлар. Уэскер Совет Иттифоқидаги болаларга қилинаётган ғамхўрлик ҳақида сўзлаб, бундай деди: «Совет Иттифоқида болалар шу қадар севилади ва улар тўғрисида шу қадар кўп ғамхўрлик қилинадики, бошқа бирор мамлакатда ҳам бундай қилинмайди».

Уэскер ўз сўзини тамомлаш олдидан Совет Иттифоқида делегациянинг қандай кутиб олинганлиги тўғрисида гапириб, бундай деди: «Бизларни ҳақиқатан ҳам зўр э'тибор блан кутиб олдилар. Ҳаммамиз докладимизда айтилган гапларни э'тиборга оламиз ва Инглиз—Совет дўстлигини мустаҳкамлаш учун ишлаймиз, деган фикрдаман. Бу дўстликни кучайтириш ва халқаро миқ'ёсдаги тинчликни мустаҳкамлаш бизнинг вазифамиздир. Совет халқи ва жумладан совет хотин-қизлари бу соҳада доим ёрдам берадилар».

ГРЕЦИЯ ПОРТИГА АНГЛИЯНИНГ ЎРТА ДЕНГИЗДАГИ ФЛОТИ КЕЛДИ

ЛОНДОН. 21 сентябрь (ТАСС). Рейтер агентлиги Афинадан билдиради: Англиянинг ҳозирги вақтда Ўрта денгизда маневр ўтказаётган флоти бугун Грециянинг шарқи-жанубидаги Навилион портига келди.

Бу флот Навилиондан Кипр оролига, сўнгра Мисрга ва Грециянинг Кефаллиния оролидаги Аргостолион портига келгандан кейин, Мальтага қайтади.

ЛОНЖЮМОДА ЛЕНИН ХОТИРАСИГА БАҒИШЛАНГАН ЙИҒИЛИШ

ПАРИЖ. 23 сентябрь (ТАСС). Франс Пресс агентлиги билдиради: 22 сентябрьда Париж яқинидаги Лонжюмода Ленин 1911 йилда яшаган уйга хотира тахтаси қўйиш муносабати блан катта йиғилиш бўлди. Бу йиғилишда Франция коммунистлар партияси раҳбарларидан бири Андре Марти нутқ сўзлади.

Мас'ул муҳаррир
С. РАЖАБОВ.

ТЕАТРЛАРДА:

ҲАМЗА ТЕАТРИДА — 25 сентябрьда **Муҳаббат**, 26 сентябрьда **Жалолиддин**, 27 сентябрьда **Бой ила хизматчи**.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ РЕСПУБЛИКА МУЗИКА ТЕАТРИДА (Беш'ёғочдаги Тошсовет театри биносида) — 25 сентябрьда **концерт**.

ЁЗГИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

«РОТ-ФРОНТ» — **Юбилей**, 26 сентябрьдан **Кўк тоғ**; «НАВОИЙ» — **Болтиқ депутати**, 27 сентябрьдан **Фил ҳайдовчи бола**; «9-НЧИ МАЙ» — 1) **Одам ва маймун**, 2) **Биринчи Май** (рангдор фильм), 26 сентябрьдан **Аршин мол олон**; «ОКТЯБРЬ» — янги овозли фильм **Оқ тиш**; «ВАТАН» — **Оқ тиш**; СОБИР РАҲИМОВ НОМЛИ КИНОТЕАТР — **Дубровский**, 26 сентябрьдан **Балерина**; «ХЕВА» — **Оқ тиш**; «ИСКРА» — **Оқ тиш**; «УДАРНИК» — **Аршин мол олон**; «ТЕЛЬМАН» — **Осмон секинюрари**, 26 сентябрьдан **Кўк тоғ**; «ПОБЕДА» — **Озод қилинган ер**, 27 сентябрьдан **Суворов**; «ВЕСНА» — **Дубровский**.

ҚИШКИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

«ИСКРА» — кундуз ва кечқурун иккала залда **Икки жангчи**; «НОВОСТИ ДНЯ» — кундуз ва кечқурун **Одамлар орасида**; «ҚИЗИЛ ОКТЯБРЬ» — кундуз ва кечқурун **Ўн учлар**.

Тошкент шаҳар, Киров район, 21 бўлим халқ суди билдирадики, Н. Ғаюбовнинг М. Шораҳмедовадан ажралиш ҳақидаги аризаси судда кўриш учун қабул қилинди.

Тошкент область, Бўка район, 1-нчи бўлим халқ суди билдирадики, С. Холиқуловнинг Т. Холиқуловадан ажралиш ҳақидаги аризаси судда кўриш учун қабул қилинди.

Тошкент шаҳар «Правда Востока» ва «Қизил Ўзбекистон» босмахонаси.
Тиражи 64.5 минг.
№ 83. Р. 06507.